

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 338-658.1**

**ЖУРАЕВА ФЕРУЗА ШЕРАЛИЕВНА**

**«ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИ»**

Мутахассислик: 5A230902-«Аудит (тармоқлар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Азларов Д.**

**ТОШКЕНТ-2014**

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар**

**и.ф.н. доц. Азларов Д.**

**Кафедра мудири**

**и.ф.н., доцент Қўзиев И.**

**Магистратура бўлими бошлиғи**

**и.ф.н., доцент Ортиқов У.**

## **МУНДАРИЖА:**

|                                                                                                                                      |           |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш .....</b>                                                                                                                   | <b>3</b>  |
| <b>I боб. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг назарий асослари. ....</b>                                                   | <b>8</b>  |
| <b>1.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мазмуни, моҳияти ва таснифланиши. ....</b>                                            | <b>8</b>  |
| <b>1.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг ахборот манбалари, мақсади ва вазифалари. ....</b>                             | <b>21</b> |
| <b>I боб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                     | <b>27</b> |
| <b>II боб. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг ҳозирги амалиёти. ....</b>                                                  | <b>28</b> |
| <b>2.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини режалаштириш. ....</b>                                                           | <b>28</b> |
| <b>2.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ўтказиш тартиби. ....</b>                                                        | <b>39</b> |
| <b>2.3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити натижаларини умумлаштириш. ....</b>                                                | <b>58</b> |
| <b>II боб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                    | <b>65</b> |
| <b>III боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини такомиллаштириш йўналишлари. ....</b> | <b>66</b> |
| <b>3.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. ....</b>                            | <b>66</b> |
| <b>3.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик далил тўплаш амалларини қўллашни такомиллаштириш. ....</b>            | <b>70</b> |
| <b>III боб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                   | <b>73</b> |
| <b>Хулоса .....</b>                                                                                                                  | <b>75</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>                                                                                        | <b>78</b> |

## Кириш

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради. Модернизациялаш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини олдини олиш, иқтисодийни тадрижий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг оладиган фойдаси ошиши таъминланади.

Иқтисодийнинг ҳозирги шароитида корхоналарнинг фаолиятида асосий кўрсаткич улар фаолиятининг молиявий натижаси - фойда ҳисобланади. Фойда миқдорининг ошиб бориши иқтисодий субъектнинг молиявий барқарорлигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади.

Дарҳақиқат, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Солиқ юкини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодийтимиз ривожига албатта муҳим аҳамият касб этади. Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, корхона ихтиёрида қоладиган маблағнинг кўпайиши, уларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг камайишига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 24-бет.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир килаётган ва ўз ечимини кутиб турган муаммолардан бири бу дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосидир.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхоналар фаолиятининг доимий йўлдоши ҳисобланади. Аммо, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёридан ошиб кетиши ва тўлов муддатининг ўтиб кетиши корхоналарнинг молиявий ҳолатининг ёмонлашувига, ишлаб чиқариш жараёнида узилишларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Булар нафақат корхоналар фаолиятида салбий оқибатларга олиб келиши билан бир қаторда, бюджетга даромад тушишини камайтиради ва мамлакат макроиқтисодий барқарорлигига ҳам салбий таъсир этади. Шу сабабли ҳам дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси давлат аҳамиятидаги масала сифатида доимо давлат назорати остида бўлади. Айниқса, бунда муддати ўтган қарзларга катта эътибор берилади. Муддати ўтган қарзлар суммаси ўсишининг олдини олиш ва уларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбарияти олдидаги масалалардан биридир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ташкил қилиш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар Э.А.Аренс, Дж.К.Лоббек, Б.Нидлз, Ч.Хорнгрен, Р.Энтони, Ю.Данилевский, Н.П.Кондраков, А.Д.Шеремет, П.Камышанов, шунингдек, мамлакатимиз соҳа олимлари Р.Дусмуратов, Ш.Илхамов, А.Каримов, Н.Каримов, Н.Санаев, М.Тўлахўжаева, З.Маматов, К.Ўразов, Б.Хамдамов ва бошқаларнинг ишларида кенг ўрин олган.

Бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, янги муаммолар келиб чиқмоқда. Соҳа олимлари ўртасида ушбу масалаларнинг ечими билан боғлиқ турлича фикрларнинг мавжудлиги мазкур муаммони тўлиқ ҳал этилмаганлигидан далолат беради.

**Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари.** Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади дебиторлик ва кредиторлик қарзлари

аудитини такомиллаштириш юзасидан тегишли хулоса ва таклифларни киритиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ишни бажаришда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг мақсади ва вазифаларини белгилаш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ўтказиш тартибини тадқиқ қилиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик далил тўплаш амалларини қўллашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот предмети.** Мазкур диссертациянинг предмети республикамиз хўжалик юритувчи субъектларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ўтказиш услубий асосларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот объекти сифатида “Одил аудит” аудиторлик ташкилоти маълумотлари олинди.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат ҳалқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилди. Бундан ташқари илмий ишда асос бўлиб, Молия Вазирлиги низом ва йўриқномалари, шунингдек, мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг ушбу муаммога оид илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланилди. Бундан ташқари тадқиқот жараёнида

ривожланган хориж мамлакатларида аудитни ташкил этиш тажрибалари ўрганилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагиларда ўз ифодасини топган:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мазмуни ва моҳияти очиб берилди;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг мақсади ва вазифалари белгилаб берилди;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ўтказиш тартиби тадқиқ қилинди;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик далил тўплаш амалларини қўллашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ташкил этиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш.** Диссертация иши юзасидан 2013 йил 18 майда Тошкент молия институтида ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда молия тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий конференциясида «Корхоналарда дебиторлик қарзларини камайтириш йўналишлари», шунингдек 2014 йил 17 майда Тошкент молия институтида

ўтказилган “Банк-молия тизимини янада ривожлантириш орқали инвестицион фаолликни кенгайтиришнинг истикболли йўналишлари”га бағишланган магистрантларнинг XIV анъанавий илмий-амалий конференциясида «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида далил тўплаш услубиятини такомиллаштириш» номли тезислар маъруза қилинган ва конференция иштирокчилари томонидан ижобий баҳоланган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

# **I БОБ. ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мазмуни, моҳияти ва таснифланиши**

Мажбурият ҳуқуқи номли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисм III бўлимида мажбуриятларга қуйидагича таъриф берилган:

Мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол – мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳаказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фирма ва компаниялар бозорда фаолият кўрсатишининг зарур шартларидан бири бу ҳисоб-китоб ва молия интизомига қатъий риоя қилишдир. Товарлар ва хизматлар бўйича барча ҳисоб-китоблар ҳар икки томон тасдиқлаган шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда бажарилиши керак. Мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги корхоналарда ишлаб чиқаришда узилишларга олиб келади, тўловларни амалга оширмаслик занжирига ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайишига, уларнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келади.

Мажбуриятлар - ҳисобот даврида ёки ундан олдинги даврларда юзага келган, уни сўндириш (тартибга солиш) иқтисодий нафни камайтиришга ёки реал активларни камайтиришга олиб келиши ҳақидаги ишонч мавжуд бўлган кредиторлик қарзи ёки бошқа хил қарзлардир.

Мажбуриятлар корхоналар томонидан турли хил битимлар амалга оширилиши натижасида юзага келади ва товарлар, тақдим этилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун кейинги тўловларга юридик асос бўлиб хизмат қилади.

“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” деб номланган 01-сон БҲМСга кўра активлар, хизматлар ва ишлар харид қилинишининг таннархи ёки қиймати мажбуриятларни баҳолаш негизи бўлиб хизмат қилади.

Мажбуриятлар қисқа муддатли (жорий) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Жорий мажбуриятлар - кредитор талабига кўра бир йил давомида тўланиши керак бўлган мажбуриятлардир. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлаш муддати бир йилдан ошадиган мажбуриятлар киради.

Бухгалтерия ҳисобида «дебитор» атамаси муайян корхонадан қарздор бўлган жисмоний ёки юридик шахсга айтилади. «Кредитор» атамаси муайян корхонани қарздор қилган жисмоний ёки юридик шахсга айтилади. Яъни бошқа корхоналарнинг бу корхона олдида ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятлари бўлади. Бунда корхона томонидан тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, олинishi лозим бўлган мажбуриятлар эса дебиторлик мажбуриятлар ҳисобланади. Икки томонлама шартнома мажбуриятларда бир корхона ҳам дебитор, ҳам кредитор бўлиши мумкин. Масалан, товар етказиб бериш шартномаси бўйича товарлар етказиб берилган бўлса-ю, уларнинг пули тўланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчига бу сумма дебиторлик қарзи деб кўрсатилади ва у дебитор, яъни харидорларга маълум суммадаги товарларни қарзга берган деб ҳисобланади. Шу корхонанинг ўзи мазкур товарларни сотиб олган корхоналар учун кредитор бўлади. Харидор сотиб олинган товар бўйича мана шу қарз суммасини батамом тўлаб бўлгунича кредитор қарзи деб кўрсатади.


Дебиторлик қарзи- корхонанинг айланмасидан чиқиб қолган ва бошқа жисмоний ва юридик шахсларда турган маблағларидир. Корхонанинг ўз маблағлари ёки бошқа корхоналарнинг маблағлари бу қарзларни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кредиторлик қарзи- бошқа жисмоний ва юридик шахслардан вақтинча жалб этилган маблағлардир. Улардан шу корхонанинг айланмасида вақтинча фойдаланилади. Уларни тўлаш муддати келганида бу маблағлар айланма маблағлар суммасидан олиб берилиши керак.

Дебиторлик қарзи- маблағларни айланмадан иммобилизациялаш, кредиторлик қарзи- бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини ишлаб чиқаришга вақтинча жалб этишдир.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ташкилотлар ўртасида, корхона билан солиқ органлари ўртасидаги, корхона билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек, ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади.


Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўз моҳиятига кўра нормал ва нормал бўлмаган қарзларга, юзага чиқиш жойига кўра эса ички ва ташқи қарзларга бўлинади. (1-чизма)



1-чизма. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг моҳияти ва юзага чиқиш жойига кўра турлари<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2002 йил 27-декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансига кўра дебиторлар таркибига кирган моддалар қуйидаги чизмада келтирилган.



2-чизма. Дебиторлик қарзларининг таркиби<sup>3</sup>.

Нормал жараён туфайли келиб чиқадиган қарзга қуйидагилар кирази: маҳсулот етказиб берувчиларга шартнома асосида бериладиган бўнақлар(газ, электр энергияси, автотранспорт ва алоқа хизматари, материаллар харид қилиш каби), шунингдек, тўловларнинг товарлар билан қайтарилмаган қисми, ҳисобот бериш шарти билан пул олган (берилган бўнақлар бўйича) шахсларнинг белгиланган ҳисобот топшириш муддатлари доирасидаги қарзлари.

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Нормал бўлмаган дебиторлик қарзлари: камомадлар, талон-тарожлар ва ўғирликлар бўйича қарзларни, товарлар (ёки хизматлар) миқдори ёки сифати белгиланган ассортиментга мос келмаслиги туфайли билдирилган ҳамда жавоб берувчилар тан олган ёки ҳакамлар қарор қилган қарзлардир.

2002 йил 27-декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансига кўра жорий кредиторлар таркибига кирган моддалар 2-чизмада келтирилган.


Хўжалик фаолияти жараёнида тугалланмаган ҳисоб-китоблар бўйича нормал кредиторлик қарзлари қонуний тарзда вужудга келади. Булар қуйидагилардан иборат:

- счётлар бўйича белгиланган ҳақ тўлаш муддатлари доирасида маҳсулотлар етказиб берувчилар олдидаги қарздорлик;
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ишчи ва хизматчилар олдидаги ҳамда ижтимоий суғуртага ажратмалари бўйича касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар олдидаги қарздорлик;
- моддий бойликларнинг ҳақини тўлаш мудати ҳали келмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган қарздорлик;
- солиқлар бўйича давлат олдидаги қарздорлик ва бошқалар.

Кредиторлик қарзи молиявий интизом ва белгиланган ҳисоб-китоб тартиби бузилиши муносабати билан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари бўйича ва амалга оширилмаган маҳсулот етказиб беришлар бўйича товар етказиб берувчиларга қарзлар; олинган моддий бойликлар қиймати тўланган счётлар суммасидан ортиқ бўлганида вужудга келадиган маҳсулот етказиб берувчиларга қарзлар ва ҳоказо.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганиш дебиторлик қарзи қоида тариқасида, пул ва моддий маблағлар амалда чиқиб кетиши ҳисобига пайдо бўлишини, уларнинг камайиши эса пул ва моддий маблағлар қайтиб келиши ёки қайта баҳоланиши натижаси бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Кредиторлик қарзи ташқаридан маблағлар келиши ҳамда хўжалик фаолияти жараёнида қарз пайдо бўлиб, унинг ёзилиши натижасида

вужудга келади. Масалан, бюджетга қарзлар солиқлар ҳисобланиши натижасида, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар иш ҳақи ҳисоблаш билан юзага чиқади ва ҳоказо.



3-чизма. Жорий кредиторлик қарзлари таркиби<sup>4</sup>.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганиш дебиторлик қарзи коида тариқасида, пул ва моддий маблағлар амалда чиқиб кетиши ҳисобига пайдо бўлишини, уларнинг камайиши эса пул ва моддий маблағлар қайтиб келиши ёки қайта баҳоланиши натижаси бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Кредиторлик қарзи ташқаридан маблағлар келиши ҳамда хўжалик фаолияти жараёнида қарз пайдо бўлиб, унинг ёзилиши натижасида вужудга келади. Масалан, бюджетга қарзлар солиқлар ҳисобланиши натижасида, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар иш ҳақи ҳисоблаш билан юзага чиқади ва ҳоказо. Бу қарзлар шу корхонада ҳосил қилинган қўшимча

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қиймат эвазига ёки унинг қайта ҳисобланиши ҳисобига вужудга келади. Кредиторлик қарзининг ушбу гуруҳи бўйича қарз хўжалик фаолияти жараёнида ёзилганида пайдо бўлади, қарзлар олинган даромадлар ҳисобига тўланади. Корхона раҳбарлари қарзни ёзиш давринининг қисқаришига ва у корхона даромадлари ҳисобидан тўланишига эришишлари керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дебиторлик қарзи бу корхонанинг бошқа корхоналардан олиши керак бўлган қарзи бўлса, кредиторлик қарзи бошқа қарзларга тўлаши керак бўлган қарзларидир. Бу қарзлар ўз навбатида нормал ва нормал бўлмаган қарзларга бўлинади. Нормал қарзлар бу корхона фаолияти учун зарур бўлган қарзлар ҳисобланса, нормал бўлмаган қарзлар корхона фаолияти учун тўсқинлик қилувчи қарзлардир. Муддати ўтган қарзлар ҳам нормал бўлмаган қарзлар туркумига киради. Шу сабабли ҳам бу турдаги қарзларни камайтиришга катта эътибор берилиши шарт.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳажми ва айланиши корхонанинг молиявий ресурсларга бўлган жорий талабига сезиларли таъсир қилади.

Молиявий ресурсларга бўлган жорий талаб – бу корхонанинг жами жорий активлари (пул маблағларидан ташқари) ва кредиторлик қарзлари ўртасидаги фарқдир. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг хом-ашё захиралари, тайёр маҳсулотлар, дебиторлик қарзлари кабиларга сарфлаган маблағлари билан кредиторлик қарзлари суммаси ўртасидаги фарқдир.

Корхонанинг молиявий ресурсларга бўлган жорий талабини ўз айланма маблағлари манбалари ёки қарз маблағлар ҳисобидан қондириш мумкин. Молиявий ресурсларга бўлган жорий талабнинг корхона айланмасидаги ўз маблағлари ҳажмидан ошиб кетган қисми корхонанинг қисқа муддатли кредитларга бўлган талабини ифодалайди.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми унинг молиявий ҳолатига ва умуман ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсир қилади.

Агар масалага кенгроқ ёндошадиган бўлсак, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳар бир тури бўйича мавжуд қарзлар суммасини ортиб бориши сезиларли салбий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бундай ҳол муддати ўтган қарзлар бўйича яққол кўзга ташланади. Мисол учун, харидор ва буюртмачилар қарзи суммасининг кўпайиб кетиши натижасида корхонанинг жорий мажбуриятларини бажариш учун молиявий ресурсларга бўлган талаби ҳам ортиб кетиши мумкин. Бу эса корхона ўз мажбуриятларини бажариши учун қўшимча манбаларни жалб қилишига олиб келади. Бу ўз навбатида корхонанинг молиявий харажатларининг ортишига олиб келади. Агар корхона ходимларнинг иш ҳақи юзасидан қарзларини ўз вақтида тўламаса бу ҳам баъзи ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу келтириб ўтилган фикрлар биргина корхона мисолида унчалик ҳам тўғри бўлмас. Аммо корхоналар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари занжири пайдо бўлганида, бу муаммоларнинг кўлами анча кенгайиши баробарида уларнинг салбий оқибатлари ҳам кучайиб бориши аниқ.

Дебиторлик қарзлари таркибида харидор ва буюртмачиларнинг қарзи улушининг юқори эканлигидан келиб чиқиб, ушбу қарз турига катта эътибор қаратиш лозим. Чунки, ушбу қарзларнинг ўз вақтида қайтарилиши корхонанинг кредиторлик мажбуриятларини бажаришга катта таъсир этади. Харидор ва буюртмачилар қарзи ҳажмига қуйидагилар таъсир қилади:

- маҳсулот сотишнинг умумий ҳажми ва унда баҳосини кечиктириб тўлаб бериш шарти билан сотилган маҳсулот ҳажмининг улуши. Маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсиб бориши билан, одатда, дебиторлик қарзларининг қолдиқ суммаси ҳам ўсиб боради;

- ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминловчи омилларнинг мавжудлиги. Залог, банк кафолати кабилар дебиторлик қарзларининг камайишига олиб келади;

- харидор ва буюртмачилар билан тузилган шартнома шартлари. Харидор ва буюртмачиларга ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатлари

бўйича қанчалик кўп енгиллик берилса, дебиторлик қарзларининг қолдиқ суммаси ҳам шунчалик кўп бўлади. Шунингдек, шартномада муддатидан олдин амалга оширилган ҳисоб-китоблар учун чегирмалар бериш, тижорат кредитларини таклиф қилиш кабиларнинг мавжудлиги дебиторлик қарзлари камайишига олиб келади;

– корхонада дебиторлик қарзлари аналитик ҳисобининг ҳамда дебиторлик қарзлари ҳолатини назорат қилувчи ички тизимнинг мавжудлиги. Бу маълум чоралар кўрилиши лозим бўлган дебиторларни оператив тарзда аниқлаш имконини беради;

– ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича харидорларнинг шартномада ўз ифодасини топган жавобгарлик даражаси. Жавобгарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, дебиторлик қарзлари шунчалик кам бўлади;

– дебиторлик қарзлари таҳлилининг сифати ҳамда таҳлил натижаларидан келиб чиқиб белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажмини камайтириб бориш асносида улар юзага келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодиётимизнинг энг кўп қарзлар мавжуд соҳаларидан бири бу коммунал хўжалиги соҳасидир. Бу соҳа корхоналари хизмат кўрсатадиган мижозларнинг катта қисмини аҳоли ташкил қилганлиги боис, мавжуд қарзларни ўз вақтида қайтариш бўйича катта қийинчиликлар мавжуд. Чунки аҳоли орасида фойдаланаётган неъматлар қадрига етиб, улар учун коммунал тўловларни ўз вақтида тўлайдиганлари жуда ҳам кам. Республикамиз ўзини-ўзи энергия билан таъминлай оладиган жаҳоннинг қўл билан санаса бўладиган давлатлари қаторида туради. Аммо биздаги электр энергиянинг 90 фоизидан кўпи иссиқлик энергия станциялари ишлаб чиқаришини инобатга оладиган бўлсак, масала қанчалик жиддийлигини тушунишимиз мумкин. Шу сабабли ҳам

корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш йўллари ишлаб чиқиш билан бир вақтда юртдошларимиз ўртасида ҳам табиий неъматнинг кадрига етиш кўникмаларини шакллантиришимиз керак.

Муаллифлар А.Ваҳобов, А.Ибрагимов, Н.Ишонкуловлар иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ўрганишда молиявий таҳлилнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишган:

- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш сабабларини ўрганиш;
- Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш муддатлари бўйича таснифлаган ҳолда ўрганиш;
- Дебиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- Кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;
- Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йўлларини ўрганиш;
- қарзларни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва ҳакозо.<sup>5</sup>

Ўрганилиши керак бўлган кўрсаткичлар ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Муаллифлар М.Пардаев, И.Абдукаримов, В.Исроиловлар дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қиладилар: дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий суммаси, таркибий тузилиши, сармойани айланма маблағларни

---

<sup>5</sup> А.Ваҳобов, А.Ибрагимов, Н.Ишонкулов “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Т., “Шарқ” 2005 йил, 298-бет

иммобилизациялаш коэффиценти, жалб этилган маблағлар коэффиценти, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўзаро нисбати коэффиценти, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари коэффицентлари<sup>6</sup>. Улар томонидан дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлилининг мақсадини аниқ баён этишмаган бўлсада, таклиф этган кўрсаткичларидан таҳлил олдига қўйган вазифалари ҳақида фикр билдириш мумкин.

Чет эллик олимлар томонидан чоп этилган адабиётларда юқоридаги адабиётларда келтирилганлардан ташқари таҳлилнинг бошқа вазифалари ҳам келтириб ўтилган. Хусусан, В.В.Бочаров<sup>7</sup>, Г.В.Савицкая<sup>8</sup> каби олимлар дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлилининг вазифалари сифатида юфоридагиларга қўшимча сифатида дебиторлик қарзларининг жорий (дисконтлаштирилган) қийматини аниқлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини прогнозлаштириш вазифалари ҳам келтириб ўтишган.

Фикримизча, мамлакатимизнинг бугунги кундаги иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб юртимиз корхоналари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишда дебиторлик қарзларининг жорий қийматини аниқлашни таҳлилнинг вазифаларидан бири сифатида келтириб ўтиш мумкин. Мамлакатимизда молия бозорлари дунё талаблари даражасида ривожланмаган бўлсада, улар томонидан белгиланаётган кредитлар учун фоиз ставкалари ёрдамида дебиторлик қарзларининг жорий баҳосини аниқлаш дебиторлик қарзларининг ўз вақтида қайтарилмаганлигидан кўриладиган зарар тўғрисида қисман бўлсада маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

Аммо, хорижий адабиётларда келтирилган таҳлилнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини прогнозлаштириш вазифаси мамлакатимиз корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлилида ҳозирча белгиланмаганлиги афзалроқ. Чунки, бозор иқтисодига ўтиш босқичида

---

<sup>6</sup> М.Қ.Пардаев, И.ТАбдукаримов, В.И.Исроилов “Иқтисодий таҳлил” Т., “Меҳнат” 2004.422-423-бетлар.

<sup>7</sup> В.В.Бочаров “Управление денежным оборотом предприятий и корпораций” М., “Финансы и статистика” 2001 г.

<sup>8</sup> Г.В.Савицкая “Анализ деятельности предприятий АПК” И.П “Финанс” 2003

кўплаб кўзда тутилмаган қийинчиликларга дуч келиниши ва бу қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан турли хил чора-тадбирлар қўлланилиши табиий ҳол. Бу эса дебиторлик ва кредиторлик қарзларини прогнозлаштиришни анча мураккаблаштиради ҳамда аниқ прогнозлаштириш имконини бермайди.

Дебиторлик қарзларини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш орқали улар ҳажминиинг ортиб боришининг олдини олиш борасида қуйидаги амалий чора-тадбирлардан фойдаланиш мумкин:

1) харидор ва буюртмачилар билан муддати узайтирилган ҳамда муддати ўтган ҳисоб-китоблар устидан назоратни изчил тарзда олиб бориш;

2) бир ёки бир нечта йирик харидорлар томонидан маҳсулот ва хизматлар ҳақининг тўланмай қолиши рискин пасайтириш мақсадида кўп сонли харидорлар билан ишлашга интилиш;

3) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатига катта эътибор қаратиш; дебиторлик қарзининг кредиторлик қарзидан сезиларли даражада ортиб кетиши қўшимча молиялаштириш манбаларининг жалб этилишига, бу эса ўз навбатида юқори ставкали фоиз харажатларининг келиб чиқишига олиб келиши билан корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилиши мумкин. Бу нисбатнинг максимал чегараси 1,0 ҳисобланади;

4) пул маблағлари ҳаракати (пул маблағларининг кирими ва чиқими)ни синхронлаштириш, яъни дебиторлик қарзларининг тўланиши ва кредиторлик қарзининг сўндирилиши даврини максимал даражада бири-бирига яқинлаштириш. Бу ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар қолдиғини камайтириш ва банк кредитларини қисқартиришга олиб келади;

5) замонавий ҳисоб-китоб усуллари қўллаш орқали йўлдаги пул маблағлари ҳажмини қисқартириш;

6) дебиторлик қарзларини ихтисослашган факторинг компанияларига ёки корхона харидорларидан қарзларни қайтариб олиш билан шуғулланувчи банкларга сотиш;

7) селективлик – яъни маълум товарлар гуруҳи ва турлари кредитга сотилмай балки фақатгина ўз вақтида пул ўтказиш йўли билан сотиладиган оралиқларни аниқлаш. Бундай вазият маълум товарларга бўлган талабнинг жуда ҳам ортиб кетадиган даврларда вужудга келади.

Ривожланган мамлакатларда товарларни “2/10 тўлиқ 30” схемасида сотишга дебиторлик қарзларини камайтириш йўллари билан бири сифатида қаралади. У қуйидаги тартибда ишлайди:

- агар харидор маҳсулотни олган кунидан бошлаб 10 кун ичида маҳсулот қийматини тўлаб берса, унга маҳсулот баҳосининг 2 % миқдорида чегирма берилади;
- агар харидор маҳсулот қийматини 11 кун билан 30 кун оралиғида тўласа, маҳсулот қийматини 100%ни тўлайди;
- агар харидор маҳсулот қийматини бир ой давомида тўламаса тўлов вақтига қараб жаримага тортилади.<sup>9</sup>

Дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларда факторинг операцияларидан фойдаланиш муддати ўтган дебиторлик қарзларини камайтириш имконини беради. Факторинг корхона ўз дебиторлик қарзларини чегирмалар асосида махсус агент- факторга сотишидир. Корхона факторинг компаниясига ёки факторинг операциялари билан шуғулланувчи банкларга дебиторлик қарзини сотар экан, факторинг шартномасидан келиб чиқиб у жами қарзнинг 60-90 фоизини олиши мумкин. Шу тариқа айланма маблағларнинг ликвидлиги ўсади ҳамда олинган маблағларни корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш имкони пайдо бўлади.

Дебиторлик қарзларини камайтириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган мажбуриятларни бекор қилишнинг турли йўллари билан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагилардир:

---

<sup>9</sup> В.В.Бочаров “Управление денежным оборотом предприятий и корпораций” М., “Финансы и статистика” 2001 40-страница.

1) воз кечиш ҳақи – трафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол –мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин.

2) ҳисобга ўтказилиши билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши – муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

3) талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдирда қарздор ўзининг дастлабки кредиторга муқобил талабини янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга ҳақли.

4) қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши.

Факторинг операцияларини амалга ошириш учун банклар томонидан миждозларга маълум талаблар қўйилади. Бу талаблар қарзларни тўлаб берувчи корхонанинг молиявий барқарорлиги, тўловга лаёқатлилиги кабилар бўлиши мумкин. Фикримизча, Республикамиздаги тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини кенг миқёсда йўлга қўйилиши корхоналар ўртасидаги қарздорликларни камайтириш имконини беради.

## **1.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг ахборот манбалари, мақсади ва вазифалари**

Ҳисоб-китоб операциялар аудитининг асосий манбаси бўлиб қуйидаги меъёрий ва дастлабки ҳужжатлар ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 йил 29 августда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

2) Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2007 йил 27 декабрда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

3) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонун. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.

4) 21-сонли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС). "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш тўғрисида йўриқнома".

5) Махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда 54-сон билан тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

6) Вазирлик, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларини қоплаш учун маблағлар бериш тартиби.

7) Ҳисобнинг ушбу бўлимига тегишли дастлабки ҳужжатлар.

8) Ҳисобнинг ушбу бўлимига тегишли синтетик ва таҳлилий ҳисоб регистрлари.

9) Молиявий ҳисобот.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятинини қуйидаги иқтисодий субъектлар ва давлат муассасалари билан муносабат асосида юритади:

мол етказиб берувчилар ва пудратчилар;

харидорлар ва буюртмачилар;

турли дебиторлар ва кредиторлар;

ҳисобдор шахслар;

банклар;

солиқ идоралари;

инвесторлар ва бошқалар.

Юқорида келтирилган субъектлар билан муносабатлар ўзаро ҳисоб - китоб операцияларига асосланади. Корхонада ҳисоб – китоб операциялари эса дебиторлик ва кредиторлик қарзларини сўндириш асосида юзага келади.

Ушбу операциялар қуйидаги характерга эга: (1) мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан – корхона харид қилган товар-моддий

захиралар, хизматлар ва бошқа қийматликлар юзасидан; (2) харидорлар ва буюртмачилар билан – корхона ишлаб чиқариб сотган тайёр маҳсулот ва кўрсатган хизматлар юзасидан; (3) ҳисобдор шахслар билан – хизмат сафари ва шу кабилар юзасидан; (4) банклар билан – корхона олган кредит ва улар бўйича ҳисобланган фоиз тўловлари юзасидан; (5) солиқ идоралари билан – давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган солиқ тўловлари юзасидан; (6) инвесторлар билан – инвестициялар жалб этилиши ва улар бўйича ҳисобланган дивидендлар юзасидан ҳисоб китоблар ва бошқалар.

Корхоналарда ҳисоб – китоб операциялари қуйидаги усулларнинг бири асосида амалга оширилади:

нақд пулсиз ҳисоб-китоб усули;

нақд пул билан ҳисоб – китоб усули;

ўзаро ҳисоб-китоблар усулида (агар тизим ичидаги ҳисоб-китоблар мавжуд бўлса).

Ҳисоб – китоблар юзасидан аудит текширувининг бош мақсади – корхона операцион йил давомида иқтисодий субъектлар билан амалга оширган операциялари натижасида юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва улар бўйича юқорида келтирилган усуллар асосида ҳисоблашишлар БХМСга асосан, ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ тартибда молиявий ҳисоботларда акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Ушбу жараёнда аудитор томонидан аудит текширувидан ўтаётган корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қонуний асосда вужудга келганлиги, қопланиш имкониятининг мавжудлиги (ҳақиқий қийматда акс эттирилганлиги), корхона эғалигидаги кредит маблағлари кредиторлар билан келишилган мақсадларга, қонунни четламаган ҳолда сарфланаётганлиги, шунингдек, кредит суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида қайтарилиш имконияти ўрганилади ва баҳоланади.

Аудитор томонидан ҳисоб – китоб операцияларини аудит текширувидан ўтказиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масала – корхона ва “боғлиқ тарафлар” ўртасида амалга оширилган

операциялар ҳисобланади. Чунки, бу тур операциялар баъзан қарз берувчи (корхона)нинг эмас, балки қарз олувчи (рахбарият)нинг манфаатини кўзлаб, корхона учун фойдасиз шартлар асосида амалга оширилган бўлиши ва бу қарзларнинг қайтарилиши рахбарият “ихтиёрига ҳавола” этилган бўлиши мумкин. Бу эса корхона молиявий ҳисоботларида фирибгарликка йўл кўйилиш эҳтимолини оширади.

Ҳисоб – китоб аудитини ўтказиш жараёнида аудитор вазифалари каторига баланс ҳисоботида акс эттирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва улар бўйича ҳисоб-китоблар суммаси тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда, баланс ҳисоботининг шу элементлар ишончли бўлиши ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилишини таъминлаш лозим бўлган ички назорат тизимининг сифатини текшириш ва баҳолаш ҳам кирди. Чунки, ҳисоб-китоблар юзасидан оқилона ички назоратнинг ташкил этилиши ҳисоб-китоб ва шартномавий интизомнинг мустаҳкамланишига, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилиш орқали, корхона эгалигидаги жорий активларнинг юқори айланувчанлигини таъминлашга, харидорлар ва мол етказиб берувчилар билан ўзаро ишончга асосланган, узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишга ва шу орқали корхона молиявий ҳолатини яхшилашга имконият яратади.

Ҳисоб – китоб операциялари юзасидан аудит текширувини ўтказиш жараёни умумий кўринишда қуйидаги олти босқичдан иборат:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;

- бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоб-китоблар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда улар бўйича ҳисоб – китоб операциялари юзасидан арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

- баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини баҳолаш;

- баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғри гурухлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий қўшимча маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Дебиторлик қарзларининг амалда мавжудлиги юзасидан аудит текшируви корхонанинг дебиторлик операциялари бўйича ҳужжатлаштириш тизими ва ҳужжатларга нисбатан ички назорат тизимини ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш операцион йил якунида ва кейинги операцион йил бошида содир этилган операцияларнинг жорий ва кейинги операцион йил молиявий ҳисоботларида тўғри келтирилганлигини текширишни ва шунинг асосида жорий йилда содир этилган операциялар шу йил ҳисоботларида кўрсатилганлигини текширишни назарда тутди.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини аудит текширувидан ўтказганда аудитор аввало бу қарзларнинг қопланиш имкониятини баҳолаши ва “шубҳали қарзлар бўйича резерв” счетига ўтказилиши лозим бўлган суммани аниқлаши ёки бу счетга ўтган сумма қанчалик асосли эканлигини текшириши лозим.

Баланс ҳисоботларида келтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари молиявий натижаларда келтирилган даромад ва харажат элементлари билан ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб – китобларни текшириш жараёнида

аудитор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳам текшириб боради. Шу сабаб, ҳисоб – китоб операциялари юзасидан аудит текширувининг асосий манбалари бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва шу ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар аудиторлик текширувининг мақсади меҳнат муносабатларига тегишли бўлган амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши, иш ҳақи ва турли хил қўшимча тўловлар ва мукофотлар, шунингдек, иш ҳақидан солиқлар ва ижтимоий эҳтиёжлар учун тўловлар тўғри ҳисобланиши устидан назорат қилишдан иборат.

Аудиторлик текширувининг вазифалари қуйидагилардир:

меҳнат тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши ва меҳнат алоқаларига оид ички назорат ҳолатини текшириш;

дастлабки ҳужжатлар асосида иш ҳақи ва турли хил мукофотлар ва қўшимча тўловлар тўғри ҳисобланганлигини текшириш;

иш ҳақи ва бошқа тўловлардан даромад солиғи ва турли чегирмалар тўғри ушлаб қолинганлигини текшириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларга оид счетларнинг тўғри корреспонденцияланганлигини текшириш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни текшириш учун маълумот манбаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхона раҳбарининг ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътили бериш тўғрисидаги буйруқлари ва фармойишлари; ходимлар жадвали, ҳуқуқий-фуқаролик тавсифдаги шартномалар, контрактлар ва меҳнат шартномаларининг бошқа шакллари; иш ҳақи, мукофотлар ва рағбатлантиришларни ҳисоблашга асос бўлган дастлабки ҳужжатлар (хусусий варақалар, иш вақтидан фойдаланилганлигини ҳисобга олиш табеллари, нарядлар, билдиришномалар, маршрут варақалари, бажарилган

ишлар тўғрисидаги далолатномалар, тўлов қайдномалари, йўл варақалари, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги тўғрисидаги варақалари, қўшимча ҳақ тўлаш варақалари, ижро варақалари, ҳисоб-китоб ва ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари ва бошқалар) ҳамда бухгалтерия ҳисобининг регистрлари, иш ҳақи турлари ва шифрлар бўйича тақсимлайдиган йиғма қайдномалар, 8, 10-сонли журнал-ордерлар, машинограммалар, Бош китоб, баланс ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари.

### **I боб бўйича хулоса**

Маълумки, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бу корхона фаолияти учун зарур бўлган воқелик ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларисиз корхона фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо, бошқа томондан мана шу дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммасининг меъёридан ошиб кетиши корхона фаолияти учун катта хавф туғдиради. Айниқса, муддати ўтган қарзлар ҳажмининг ортиб кетиши мамлакат иқтисодий барқарорлигига путур етказувчи омил эканлиги янада хавфлидир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммасини камайтириш борасида кўплаб амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Фикримизча, бугунги кунда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқаришнинг энг оптимал йўли бу уларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришишдир.

## **II БОБ. ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ**

### **2.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини режалаштириш**

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кредиторлик қарзлари аудитига булган муносабатларни юкорида имкон даражасида зикр этиб ўтдик, эндиги режамизда мазкур кредиторлик қарзлари аудитининг амалиёти борасидаги жараёни жараяни ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Кредиторлик қарзлари аудитини самарали ўтказиш учун энг аввало аудитор ўз стратегиясини яъни режасини пухта ва тўлиқ қилиб тузиши керак. Зеро, пухта тузилган режа аудитни самарали бўлиши гаровидир.

Кредиторлик қарзлари аудитини режасини тузилиши ва шакли умумиаудит меъзонларидан келиб чиқади, ваҳоланки кредиторлик қарзлари аудитининг ҳам умумиаудит жараёнининг муҳим бир бўлагидир, шу боис қарз муносабатлари аудитини режалаштириш борасида сўз юритишдан олдин аудиторлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади, вазифлари, босқичлари ва асосий тамойилларига тўхталиб ўтсак. Аудитдаги турли текширишларнинг режаси шу тамойиллар босқичлар ва мақсадларга таянади бошқача қилиб айтганда булардан дастак сифатида фойдаланади.

Ҳар қандай фаолият, хусусан аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун даставвал, унинг пухта ва аниқ режаси ёки дастурини тузиш лозим. Уларнинг мазмуни қўйилган мақсад ва уни бажариш учун белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқади. Аудитнинг мақсадлари хусусан қуйидагилардан иборат: бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини экспертиза йўли билан баҳолаш, йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлигини текшириш ва тасдиқлаш валюта муомалаларини аудит қилиш, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш, корхонанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консультация) ўтказиш ва ҳоказо.

Аудитни режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар №3 «Аудитни режалаштириш» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, аудит режасини пухта тузмасдан сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу стандартга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Амалда, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар мижоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради. Кейинчалик шартнома тузилган ҳолда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар қиймати ўтказиладиган аудиторлик хизматининг умумий қийматига қўшилади, акс ҳолда у аудиторлик ташкилотининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Режалаштириш аудиторлик текширувини бошлангич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузулгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Стандартга мувофиқ аудитни режалаштириш куйидаги босқичларга бўлинади:

- а) аудитни дастлабки режалаштириш;
- б) аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
- в) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Ушбу стандарт ҳар қандай корхонани аудиторлик текширувидан ўтказишда ҳам аудит режасини, ҳам аудит дастурини тузишни талаб этади

Бироқ, бизнинг фикримизча, унчалик катта бўлмаган хўжалик муомалалари кам содир бўладиган, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат бажариш) билан шугулланувчи микрофирмаларда аудит ўтказганида, бундай кенг қамровли режа тузиш мақсадга мувофиқ эмас. Режалаштириш аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари каби, хусусий тамойилларига ҳам мувофиқ амалга оширилиши лозим. Улар:

Аудиторлик текшируви узоқ вақт давом этганида, аудитор миқознинг молия - хўжалик фаолиятидаги ва қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда режа ва дастурга зарур тузатишлар киритиши мумкин.



#### **4-чизма. Аудитни режалаштиришнинг хусусий тамойиллари<sup>10</sup>.**

Аудитнинг умумий режаси: миқоз фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш, танлаш ҳажми ва жиддийлик даражасини аниқлаш, аудит дастурини тайёрлаш, аудитни бевосита ўтказиш жараёни (дастурни бажариш), бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралик ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш, текширув натижаларини миқозга тақдим этиш ва ҳоказоларни ўз ичига олган ҳолда аудит ўтказишнинг барча босқичларини ақс эттириши лозим.

Стандарда кўрсатилишича, аудитор умумий режада аудит ўтказиш муддатлари ва аудит ўтказиш графигини тузишни, аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосаси тузишни назарда тутиши лозим. Режалаштириш чоғида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур:

- келгуси даврдаги вақт сарфи ҳисоб-китоби (такрорий аудит ўтказиш ҳолларида) ва ҳақиқий меҳнат харажатлари;
- муҳимлик даражаси;
- аудиторлик гуруҳини тузиш, аудит ўтказишга жалб қили-надиган аудиторлар сони ва малакаси;

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- аудиторларни, уларнинг малакавий даражалари ва лавозимларига мувофиқ аудит ўтказиладиган муайян участкаларга тақсимлаш;
- аудиторлик гуруҳининг барча аъзоларига йўл - йўриқ кўр-сатиш, уларни мижознинг молия-хўжалик фаолияти билан таништириш ;
- аудиторлик гуруҳи раҳбарининг режа бажарилиши ва ёрдамчи аудиторлар ишлари сифати устидан назорат ўрнатиши.

## 1-жадвал

### Корхонада аудиторлик текшируви ўтказиш дастури<sup>11</sup>

Текшириладиган ташкилот  
Аудит даври киши-соатлар миқдори  
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари  
Аудиторлик гуруҳининг таркиби  
Режалаштирилган аудиторлик rischi  
Режалаштирилган муҳимлик даражаси

“Дўстлик” ОАЖ  
60 киши соат  
Ашуров Т.  
Ашуров Т., Эргашев А.  
5%  
4%

| №  | Режалаштирилган ишлар тури                                                | Ўтказиш даври         | Бажарувчи  | Эслатма |
|----|---------------------------------------------------------------------------|-----------------------|------------|---------|
| 1. | Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текшириш                   | 03.02.2014-08.02.2014 | Ашуров Т.  |         |
| 2. | Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб-китобларни текшириш     | 03.02.2014-04.02.2014 | Эргашев А. |         |
| 3. | Ходимларга берилган аванслар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш             | 04.02.2014-04.02.2014 | Ашуров Т.  |         |
| 4. | Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни текшириш        | 05.02.2014-05.02.2014 | Эргашев А. |         |
| 5. | Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш               | 05.02.2014-05.02.2014 | Ашуров Т.  |         |
| 6. | Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурта бўйича ҳисоб-китобларни текшириш  | 06.02.2014-06.02.2014 | Эргашев А. |         |
| 7. | Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш | 07.02.2014-07.02.2014 | Ашуров Т.  |         |
| 8. | Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш              | 08.02.2014-08.02.2014 | Эргашев А. |         |

Аудиторлик ташкилоти номидан  
аудиторлик хулосасини имзолаш ҳуқуқига эга раҳбар  
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари

Ашуров Т.  
Эргашев А.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

№3-«Аудитни режалаштириш» номли АФМС, №14-«Аудиторлик танлаш», №9-«Муҳимлик ва аудиторлик риски», №6-«Аудитни хужжатлаштириш» ва аудиторлик текширувини амалга оширишни тартибга соладиган бошқа стандартлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай қилиб, бошқа стандартлардаги талабларни ўрганмасдан ва изчил бажармасдан, ушбу стандарт талабларини бажариш мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилотларининг иш фаолиятини умумий режалаштириш икки босқичга бўлинади. Биринчи босқичда текшириладиган корхона ўрганилиб, баён қилинади ва ўтқа-зиладиган текширувнинг асосий ўлчамлари аниқланади, иккинчи босқичда эса текширув стратегияси ишлаб чиқилади ва барча олдинда турган ишларнинг батафсил баёни тузилади.

Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш жараёнида аудитор корхонадан олинadиган маълумотларни текширмайди, лекин унинг режа тузишга оид ишлари хужжатлаштирилиши лозим. Шунинг учун режалаштиришнинг биринчи босқичида аудитор текширадиган корхона бўйича қуйидаги маълумотларни тайёрлаши лозим: корхона фаолиятининг баёни; бухгалтерия ҳисобининг шакли ва ташкилий тузилишининг баёни, бошқарув тизимининг баёни, текширилаётган корхона молиявий ҳисобининг қисқача таҳлили.

Аудиторлик текширувини режалаштираётганда моддийлик (муҳимлилик)ни белгилаш лозим. Моддийлик - аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий ҳисобварақларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир.

Моддийликни баҳолаш аудиторнинг тажрибаси ва малакасига боғлиқдир ва корхона фаолиятининг ҳажми ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг ўзи томонидан ҳар бир мижоз учун белгиланади. Шунинг учун турли аудиторлар ва аудиторлик фирмалар ушбу муаммога мутлақо бошқача ёндошадилар.

Дедуктив ёндошиш - молиявий ҳисоботнинг умумий моддийлиги аниқланишини тахмин қилади ва ундан кейин, ҳар бир ҳисобварақ бўйича иш ҳажмини аниқлаш учун, ҳисоботнинг алоҳида моддалари бўйича берилган баҳо тақсимланиб чиқилади. Дедуктив ёндошишни қўллаш йўли билан алоҳида бандлар бўйича моддийликни баҳолаш суммаси, молиявий натижалар ҳисоботи, баланс ёки пул маблағларининг оқимлари учун йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордан юқорироқ бўлиши ҳолатини бартараф этиш имконини беради.

Аудиторлик таваккалчилиги - бу аудиторлик текширувининг, миқдорнинг ички назорат тизимининг самарасизлиги, аудиторлар томонидан миқдор хатоларини аниқлай олмаслиги таваккалчилигини баҳолашдир.

Аудиторлик таваккалчилигини баҳолашда асосан икки усулдан фойдаланилади:

- 1) баҳолаш (индуктив):
- 2) миқдорий.

Аудиторлик фирмалар томонидан ҳозирги пайтда кенг қўлланиладиган баҳолаш (индуктив) усулида, аудиторлар ўз тажрибаси ва миқдори билишлигидан келиб чиқиб, умуман ҳисобот ёки операцияларнинг алоҳида гуруҳлари асосларида аудиторлик таваккалчилигини юқори, эҳтимолий ва кам эҳтимолий деб белгилайдилар ва ушбу баҳодан аудиторлик фаолиятини режалаштиришда фойдаланадилар.

Миқдорий усул аудиторлик таваккалчилигининг кўп сонли моделларини миқдорий ҳисоблашни фарз қилади. Булар ичидан энг оддийси:

$$A_T = C_T \times N_T \times M_T,$$

бунда:

Ат - аудиторлик текшируви ўтказилгандан кейин молиявий ҳисоботда аниқланмай қолган моддий хатоларни мавжуд бўлишлигини қабул қилиш тахмини тўғрисида аудиторнинг фикрини акс этувчи аудиторлик текшируви самарасизлиги таваккалчилиги (аудиторлик таваккалчилиги);

Ст - компания хусусиятлари билан боғлиқ бўлган таваккалчилик (соф таваккалчилик), яъни: ички назорат тизими самарадорлигини кўриб чиқишдан олдин, ҳисоботда белгиланган миқдордан юқори бўлган хатолар мавжуд бўлишлиги тахмини;

Нт - мижознинг ички (ички хўжалик) назорат тизими билан боғлиқ бўлган таваккалчилик;

Мт - тестлар ўтказиш муолажалари самарасизлиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик (муолажа таваккалчилиги) - тестлар ўтказиш жараёнида, аудитор учун қабул қилиниши мумкин бўлган миқдордан юқори хатоларни аниқланмай қолиниши тахмини.

№3-«Аудитни режалаштириш» номли АФМС, №14-«Аудиторлик танлаш», №9-«Муҳимлик ва аудиторлик риски», №6-«Аудитни хужжатлаштириш» ва аудиторлик текширувини амалга оширишни тартибга соладиган бошқа стандартлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай қилиб, бошқа стандартлардаги талабларни ўрганмасдан ва изчил бажармасдан, ушбу стандарт талабларини бажариш мумкин эмас.<sup>12</sup>

Шу ўринда қуйидаги бир жадвални келтириб ўтсак, бунда аудит жараёнининг босқичлари акс эттирилган бўлиб улардаги амаллар яккол кўзга ташланиб туради.

Аудит дастури борасидаги барча маълумотлар умум аудит яъни хужалик субъектини барча жабҳасини текширишда қўлланилади шунингдек дебмтор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар аудитининг дастурини тузиш ҳам шу дастаклар асносида шакллантирилади, қуйида бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

---

<sup>12</sup> Тўлаҳўжаева М.М., . Жўраев Т.И. ва. Гулямова Ф.Г. АУДИТ Т-2004

Аудитнинг дастури аудит режасининг ривожланиши ҳисобланиб текширувнинг ҳар бир аник; бўлими учун керакли бўлган аудиторлик муолажалар рўйхатидан иборатдир. Аудиторлик дастурлар қуйидаги икки турда бўлади:

1) корхона ички назорат тизими тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган назорат тестлари дастури;

2) бевосита ҳисобварқлардаги қолдиқлар тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган ҳисобварақлардаги қолдиқларни текшириш дастури.

Аудиторлик дастури қуйидаги омиллардан таркиб топган:

1) аудиторларнинг ишлаш жадвали.

Жадвал аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш учун текширув даврида тўпланган материаллар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этиш чегараланган муддатларини белгилайди. Жадвални тузиш пайтида, фойда олишни таъминлаш мақсадида, олишга мўлжалланган ҳақнинг ҳисобга олган ҳолда ва унинг доирасида, текширувнинг алоҳида турлари ва бўлимларини текшириш учун сарфланадиган вақт масаласи ҳал этилади.

2) батафсил муолажалар.

Аудит дастури ёзма равишда тайёрланади. Дастурда аудиторлик текшируви режасини амалга ошириш учун керакли бўлган барча муолажалар ҳамда текширувнинг ҳар бир бўлими бўйича мавқсад ва вазифалар муфассал ёритилади.

3) аудит бўйича ишни назорат қилиш.

Дастурда текширувга юборилган аудиторлик гуруҳининг барча аъзолари улар зиммасига қўйилган талабларни билишлига назарда тутилади. У бир вақтнинг ўзида аудиторлик гуруҳдаги кичик аудиторлар ва ассистентлар топшириқларни қай даражада бажараётганлигини назорат қилувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

4) ходимлар дастурда аудиторлик текширувини ўтказиш учун керакли бўлган ходимлар сони, улар ишининг ҳажми ва мазмуни белгиланади.

Одатда аудитни асосий аудитор, аудитор ёрдамчилар ва ассистентларидан иборат гуруҳ амалга оширади.<sup>13</sup>

Молиявий ҳисобот моддалари тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида миқдорий хатолар ва камчиликларни текшириш учун операциялар тестлари ишлаб чиқилади.

Ушбу тестларни ўтказишда қуйидагилар аниқланади:

- операцияларни амалга ошириш учун тегишли рухсатномамавжудлиги;

- журналлар ва таҳлилий ҳисоб дафтарларида ўтказмалар тўғри келтирилганлиги ва натижалар тўғри жамланганлиги;

- Бош китобга маълумот тўғри кўчирилганлиги

Турли кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текширишда қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилиги, шартномалар мавжудлиги, харидорлар топшириқнома мажбуриятларининг тақдим этиш муддатлари, кредитни қоплаш тартиби ва бошқалар. Кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати 4700-сонли "Ходимнинг бошқа операциялар бўйича қарзи ҳисоби ҳисобварағи" ҳисобварақлар гуруҳи бўйича, шунингдек: 4710-сонли "Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи ҳисобварақ кўрсаткичлари асосида ўрганилади. Энг муҳим харидорларнинг муддати ўтган қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ўрганиб чиқилади ва муддати ўтган қарзлар пайдо бўлиши сабаблари аниқланади. Уларнинг асосийларидан бири кредит бериш қоидаларига риоя қилмаслик ҳисобланади;

- ижро варақалари бўйича бошқа корхоналар ёки жисмоний шахслар фойдасига суммалар тўғри ва асосли ушлаб қолинганлиги шунингдек, ушлаб қолинган суммалар олувчиларга ўз вақтидан ўтказилганлиги;

---

<sup>13</sup> Тўлаҳўжаева М.М., . Жўраев Т.И. ва. Гулямова Ф.Г. АУДИТ Т-2004

- корхона ихтиёридаги хонадонларда истиқомат қилувчилар ва ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчи шахслар билан корхона ҳисобидаги хонадонлардан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоблар тўғри ҳисобланганлиги;

Аудиторлик текшируви вақтида хонадонларда ва ётоқхоналарга истиқомат қилувчилар билан ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини касса ҳисоботлари ва банк ҳужжатлари кўрсаткичлари билан муқобил текширувини ўтказиш қўлланилади. Маиший хизматлар бўйича тўловлар тўғри ва тулик ҳисобланганлиги ва ушбу суммалар касса ёки ҳисоб-китоб ҳисобварағига кирим қилинганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим, чунки, амалиётда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқи бўлмаса ҳам, ходимларга бепул хонадонлардан фойдаланиш ва маиший хизматлар кўрсатиш, шунингдек хонадонларда ва ётоқхоналарда яшовчи шахслардан келиб тушган тўловлар тўлиқ ҳолда кирим қилинмаслик ҳоллари учрайди;

- меҳнат жамоасига берилган фоизсиз ссудалар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлиги. Ссудалар асосли равишда берилганлиги, ссудалар бериш учун ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш керак (суммадан ташқари, ссудани тўлов муддати ва қоплаштартиби белгиланган бўлиши лозим). Амалиётда ссудалар атайлаб ўз вақтида қопланмаслиги ва даъво муддати тугаши билан корхона харажатларига ҳисобдан чиқариш ҳолатлари учрайди:

- хусусий уй-жой қурилиши учун берилган ссудалар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлиги. Аудит вақтида улар асосли равишда берилгани, миқдори, қоплаш муддатлари ва олинган сўммалар амалда қопланаётганлиги аниқланади;

- болаларни мактабдан олдинги муассасаларда бўлганликлари: учун ота-оналардан олинадиган тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобланганлиги ва оlinиши. Аудит қилинаётган вақтнинг маълум бир саналарида ушбу муассасаларда болалар мавжудлиги тўғрисидаги ёзувларни (болалар мактабдан олдинги муассасаларида бўлишлари тўғрисида табел)

улар учун тўловлар ҳисоби (болаларнинг болалар мактабдан олдинги муассасаларда бўлганликлари учун ота-оналар билан ҳисоб-китоб бўйича қайдномалар) ва улар корхона кассасига тушганлиги (касса дафтари) солиштириб чиқилиши лозим;

- кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тўғри тузилганлиги;

- 4700, 4800, 6900-сонли ҳисобварақлар гуруҳи бўйича таҳлилий тўғри юритилаётганлиги;

- маҳсулот етказиб бериш учун шартномалар, дастлабки ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларининг йўқлиги.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим. Аудит ўтказиш дастурининг «Кредитор қарзларни текшириш» бўлими бўйича ўтказилган аудит натижаларини баҳолашда қуйидаги аудиторлик амалларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ:

Кейинги пул кримлари ва тегишли счётлар қолдиқларидан тўланган тўловларга доир дастлабки ҳужжатларни текшириш. Аудиторлар одатда бухгалтерия баланси тузилгандан кейинги то аудит ўтказилган охириг кунга қадар амалга оширилган тўловларни ҳам текширади. Бу текширув натижалари ҳисоб маълумотларининг ишончлилигини жорий мажбуриятларни балансда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан баҳолашга имкон беради. Ушбу амалларни бажариш натижасида жорий мажбуриятлар тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилганлиги тўғрисида олинган далиллар, бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тўланган қарзларга нисбатан етарли даражада деб баҳоланиши мумкин. Шундан сўнг аудитор тўлови тасдиқланган ва тасдиқланмаган қарзлар суммаларининг катта - кичиклигини баҳолайди;

- счётларни бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тайёрланган моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари билан, ҳисоб маълумотлари бўйича

қолдиқлар билан солиштириш. Бухгалтерия ҳисоботи тузилган кундан олдин олинган барча счётлар (етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун) жорий даврдаги ҳисобда ва шу давр учун тузилган ҳисоботда акс эттирилиши керак. Шунинг учун бухгалтерия баланси тузилган санадан сўнг тайёрланган материаллар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва счётлардаги саналар, мулклар ва мажбуриятларнинг балансда тўғри акс эттирилганлигини текшириш мақсадида таққосланиши мақсадга мувофиқ.

Мавжуд қолдиқларни счёт-фактуралар маълумотлари, моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари ва тўлов ҳужжатлари билан солиштириш. Агар дебитор ва кредитор қарзларнинг миқдори ҳўжалик юритувчи субъект молиявий аҳволи учун сезиларли даражада бўлса, аудиторлар ҳисобга олишнинг тўғрилиги ва аниқлигини текшириши, шунингдек, ҳисоб маълумотлари бўйича мажбуриятларнинг ошириб кўрсатилмаганлигини аниқлашлари лозим.

Бу ҳолда дастлабки ҳужжатлар маълумотлари аналитик ҳисоб регистрлари (журналлар, оборот ёки сальдо ведомостлари) да акс эттирилган ахборотлар билан, олдин энг катта қолдиқлиларидан бошлаб (чунки улар бўйича ошириб кўрсатиш эҳтимоли кўпроқ) солиштирилади. Олинган маълумотлар бўйича ҳисоб ёзувларида (масалан, битта счётни ҳисоб регистрида икки марта акс эттириш ва шунга ўхшаш) мажбуриятлар (дебитор ва кредитор қарзлар) ошириб кўрсатилиш ҳолатларининг катта-кичиклигини баҳолаш зарур.

## **2.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ўтказиш тартиби**

Ҳўжалик юритувчи субъектларни аудит қилиш жараёнида энг аввало аудит аудитор, текшириши учун керак бўладиган далилларга таяниб иш юритади, ушбу далиллар аудит жараёнида аудитор томонидан тўпланиб хулосага асос бўлиб ҳисобланади.

Кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик далилларнинг миқдор ва

сифат кўрсаткичларига, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 50-«Аудиторлик далиллари» номли АФМСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Аудитор молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини асослаши учун қуйидаги амалларни бажариш натижасида етарли аудиторлик далилларини тўплаши лозим:



#### **5-чизма. Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини асослаш усуллари<sup>14</sup>.**

Аудиторлик далилларни тўплаш учун зарур бўлган аудиторлик амаллари ва уларнинг ҳажми аудит дастурида кўрсатилади.

Аудиторлик далиллар – бу аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлар вақтида тўпланган ва аудиторлик хулосасини асословчи ахборотдир.

Демак, аудиторлик далиллар аудиторлик текшируви жараёнида текшириладиган мижоз – корхона ва учинчи шахслардан олинган ахборотлар ҳамда уларни таҳлил қилиш натижалари бўлиб, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғриси-да аудиторлик хулосаси тузиш имконини беради.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида далилларнинг етарлилиги уларнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. У танлаш

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кўлами ва тўпламдаги муайян элементларнинг тавсифи билан боғлиқ. Ахборотларнинг самарадорлиги эса танлаш элементларининг репрезентативлиги (бош тўпламнинг ўрганилаётган белгилар бўйича хусусиятлари танлама тўпламда намоён бўлиши)га боғлиқ, яъни репрезентативлик қанча юқори бўлса, аудиторлик rischi шунча паст бўлади. Аудиторлик riskларини пасайтирувчи далилларнинг етарлилиги тўғрисида аудитор ички назорат тизимини баҳолаш ва аудиторлик riskининг ҳажмига асосланиб хулоса қилиши мумкин. Ички назорат тизими қанчалик ишончли ва аудиторлик riskи қанчалик паст бўлса, аудитордан шунчалик кам далил-исботлар тўплаш талаб этилади.<sup>15</sup>

Далилларнинг етарлилигини аниқлашда қуйидаги ҳолат-ларни ҳисобга олиш зарур: мустақил манбалар (учинчи шахслар)дан олинган далилларнинг мижоз-корхона ходимларидан олинган далилларга нисбатан ишончлироқ эканлиги; аудиторлик ташкилотининг мустақил текшируви ёки таҳлили натижасида олинган маълумотларнинг учинчи шахслардан олинган маълумотларга қараганда ишончлироқ эканлиги; ҳужжатлар ва ёзма кўрсатмалар шаклидаги аудиторлик далилларининг оғза-ки кўрсатмаларга қараганда ишончлироқ эканлиги. Ниҳоят, турли манбалардан олинган далиллардан фойдаланиш натижасида қилинган хулосаларни таққослаш имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари маълумотларида хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги далиллар мижоз корхона маъмуриятига аудиторлик хулосаси солиқ органига топширилмасдан олдин тақдим этилган бўлса, у ҳолда бухгалтерияда ҳисоботларга зарур тузатишларни киритиш имкони бўлади. Агар ҳисобот солиқ органига топширилганидан сўнг аудит ўтказилса, тузатиш киритиш имкони йўқ, лекин жорий даврда аниқланган хато камчиликларни ўз вақтида тузатиш мумкин.

Аудиторлик текширувларининг асоси аудиторлик далилларини топишдан иборат. У маълумотларни тўплаш, молиявий ҳисоботнинг

---

<sup>15</sup> Тўлахўжаева М.М., . Жўраев Т.И. ва. Гулямова Ф.Г. АУДИТ Т-2004

ишончлилиги (ёки ишончсизлиги)ни, молия-хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисобини юритишга оид белгиланган қоидалар ва низомларга мувофиқлиги-ни ва шу билан бирга аудиторлик хулосаси тузиш учун аудиторнинг шахсий фикрини шакллантириш мақсадида уларни умумлаштириш ва баҳолашни назарда тутди.

Самарали аудит стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида аудит таваккалчилигини белгилаш ва харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг дастурини тайёрлаш учун аудитор ушбу ҳисоб бўлимига нисбатан ички назорат тизими мавжудлигини текшириши ва ушбу тизимни сифат нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Бунинг учун аудитор харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб опреацияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишади. Бу мақсадда аудитор 2-жадвалдаги каби саволноманинг 3, 4 ва 5 устунларини тўлдиради.

## 2-жадвал

### Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ҳолатини текширишга оид тестлар<sup>16</sup>

| Т. р.                  | Савол мазмуни ёки ўрганилаётган объект                                                             | Жавоб мазмуни (текширув натижаси)            | Бел-ги         | Аудиторнинг хулосалари ва қарорлари       |
|------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------|----------------|-------------------------------------------|
| 1                      | 2                                                                                                  | 3                                            | 4              | 5                                         |
| <b>А. Ички назорат</b> |                                                                                                    |                                              |                |                                           |
| 1.                     | Шартномалар бўйича маҳсулотлар нархлари ва сотиш муддатлари асосланганми?                          | Режали калькуляциялар тузилиб борилади       | Нз             | Назорат қониқарли                         |
| 2.                     | Таннархдан паст бўлган сотув нархлари қўлланиладими?                                               | Маҳсулотнинг айрим турлари бўйича            | Н <sub>2</sub> | Солиққа тортиш тўғрилигини текшириш керак |
| 3.                     | Рўйхатга олинмаган счет-фактура ва юк хатларни аниқлаш учун кетма-кет рақамлаш назорат қилинадими? | Қайд этилган ҳужжатлар кетма-кет рақамланади | Нз             | Назорат қониқарли                         |
| 4.                     | Харидорларга жўнатилган маҳсулотлар счет-фактуралардаги кўрсаткичлар билан солиштириладими?        | Ҳар ойда солиштирилади                       | Нз             | Назорат қониқарли                         |

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

|     |                                                                                                                                                |                                                                |                |                                                                                    |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------|----------------|------------------------------------------------------------------------------------|
| 5.  | Миқдорлар ва суммани ҳисоблашда, нархлар ва устама нархларни қўллашда товар-транспорт ҳужжатлари текшириладими?                                | Танлаб олиб текшириш амалга оширилади                          | H <sub>2</sub> | Хатоликка йўл қўйиш эҳтимоли бор                                                   |
| 6.  | Сотилган маҳсулот таннархи бош бухгалтер томонидан назорат қилинадими?                                                                         | Ҳар чоракда назорат қилинади                                   | H <sub>2</sub> | Арифметик ҳисоб-китобларни танлаб олиб текшириш лозим                              |
| 7.  | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бўйича ҳужжатлар айланиши жадвалига риоя қилинадими?                                                    | Дастлабки ҳуж-жатлар асосан бир ҳафта кеч топширилади          | H <sub>2</sub> | Маълумотлар тақдим этилмаганлиги сабабли даврий ҳисоботда хатоликлар бўлиши мумкин |
| 8.  | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича инвентаризация ўтказиладими?                                                                            | Инвентаризация комиссияси томонидан йил охирида ўтказилади     | H <sub>2</sub> | Назорат паст. Танлаб олиб инвентаризация ўтказиш лозим                             |
| 9.  | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича ягона ҳисоб сиёсати мавжудми?                                                                           | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоб усули белгиланган | H <sub>2</sub> | Солиқлар ҳисоб-китобиини текшириш лозим                                            |
| 10. | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича таҳлилий ва синтетик ҳисоб ёзувлари текшириладими?                                                      | Фақат йил охирида текширилади                                  | H <sub>3</sub> | Танлаб олиб текширув ўтказиш лозим                                                 |
| 11. | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича кўрсаткичлар билан омбордан жўнатилган маҳсулот тўғрисидаги ҳисоботлар ўртасидаги фарқлар аниқланадими? | Ҳисобот даврида уч маротаба аниқланган                         | H <sub>3</sub> | Омбордан ортилган маҳсулотни танлаб олиб инвентаризация лозим                      |
| 12. | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича счет-фактураларга маҳсулот жўнатилган кундаги сана қўйиладими?                                          | Йўқ, сана нотўғри қўйилади                                     | H <sub>2</sub> | Маҳсулот сотиш ҳажмларида хатоликлар бўлиши мумкин.                                |
| 13. | Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоб чизмалари ишлаб чиқилганми?                                                          | Фақат счетларнинг ишчи режаси белгилан, чизмалар йўқ           | H <sub>2</sub> | Счетлар корреспонденцияла нишида хатоликлар бўлиши мумкин                          |
| 14. | Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича дастлабки, таҳлилий ва синтетик ҳисоб кўрсаткичлари қандай муддатда солиштирилади?                      | Ҳар чоракда солиштирилади                                      | H <sub>2</sub> | Ойма-ой тайёрланадиган кўрсаткичларда хатоликлар бўлиш эҳтимоли баланд             |

Изоҳ. H<sub>1</sub> – паст даражада; H<sub>2</sub> – ўртачадан паст; H<sub>3</sub> – ўртача; H<sub>4</sub> – юқори.

Ички назорат тизимига нисбатан назорат рискени дастлабки баҳолаш ва қўшимча назорат тестларини ишлаб чиқиш. Юқоридаги саволномани тўлдиргач аудитор ички назорат тизимига дастлабки баҳони беради.

Асословчи тестларни қўллаш ва дебиторлик, кредиторлик қарзлари ва ҳисоб-китоблар юзасидан ички назорат тизими бўйича ҳисобот тайёрлаш. Бу мақсадда харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити жараёнида мол етказиб бериш учун шартномалар тузилганлиги, харидор томонидан қабул қилинган маҳсулотлар учун корхонага тегишли бўлган суммалар (сотиш муддатлари, маҳсулот сифати ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда) тўғри ҳисобланганлиги, 15% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилмасдан туриб маҳсулот берилмаганлиги, 4010, 6230, 6310-сонли счетларда кўрсатилган харидорлар қарзи ҳақиқийлиги аниқланади. Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича қарзларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ва ишончлилиги дастлабки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари, ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномалари ва ҳисоб регистрларидаги кўрсаткичлар асосида текширилади.

4010-сонли “Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счетлар” счет бўйича таҳлилий ҳисоб тўғри олиб бориладиганлиги текширилиши лозим.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг турли шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларни текширишда барча асос бўлган ҳужжатлар мавжудлиги текширилади, агар зарурийат бўлса, банкда ёки харидорда муқобил солиштирувлар ўтказилади.

Харидор ва буюртмачилар билан улар қабул қилиб олган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун ҳисоб-китобларни инвентаризация амалга оширилади.

Бошқа шаҳарлардаги харидорлар билан инвентаризацияни ўтказиш учун уларга ҳисоб-китобларни таҳлилий ҳисоби варақасининг нусхаси (контокоррект кўчирма) юборилади. Бунда, кредитор-корхоналар мазкур кўчирмаларни дебитор-корхоналарга юборилиши кераклиги тўғрисидаги

қоидага амал қилиш лозим. Ушбу кўчирма дебитор-корхона томонидан текширилиши ва керакли бўлган тузатишлар киритилиши, имзоланиши, муҳр билан тасдиқланиши ва олингандан кейин 10 кун муддатда қайтарилиши лозим. Агар харидорлар бир шаҳарда жойлашган бўлса, ҳисоб-китобларни инвентаризацияни ўтказишда ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро солиштира далолатномаси тузилади.

Агар текширув натижасида айрим корхоналар бўйича муҳим қарзлар мавжудлиги аниқланса, унинг асосланганлиги, пайдо бўлишини акс этувчи дастлабки ҳужжатлар (счёт-фактуралар, юк хатлари), ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро солиштира далолатномалар кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади, харидорни аудит ўтказилаётган корхона билан ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабаблар ва бунга айбдор шахслар аниқланади.

Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни аудит қилишда мунтазам равишда учрайдиган хатоликлар қуйидагилардир:

- маҳсулот етказиб бериш учун шартномалар йўқлиги ёки улар нотўғри расмийлаштирилганлиги;
- дастлабки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлар йўқлиги ёки улар тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги;
- ҳисобни тегишли равишда олиб борилмаслиги (счётлар нотўғри корреспондентланиши, таҳлилий ҳисобнинг ишончсизлиги ва ҳоказолар);
- ҳисоб-китоблар бўйича инвентаризация расмийлаштириш нуктаи назаридан ўтказилиши;
- шартномалар бўйича даъволар нотўғри расмийлаштирилиши ва тақдим этилиши.

Аудит текширувини юқори сифатли ўтказиш мақсадида аудит таваккалчилигини белгилаш ва мол етказиб берувчи / пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг дастурини тайёрлаш учун аудитор ушбу ҳисоб бўлимига нисбатан ички назорат тизими мавжудлигини текшириши ва ушбу

тизимни сифат нуқтаи назаридан баҳолаши лозим. Бунинг учун аудитор томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Мол етказиб берувчи / пудратчилар билан ҳисоб-китоб опреацияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш. Ҳисоб-китоблар аудитининг умумий режаси ва дастурини тайёрлаш учун, 3-сонли "Аудитни режалаштириш" Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС)нинг 19-бандига мувофиқ, аудиторлик ташкилоти миқозининг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолайди. Агар ички назорат тизими ишончсиз бўлган маълумотлар вужудга келиши тўғрисида далолат берса ёки ишончсиз маълумот мавжудлигини аниқласа, у самарали деб ҳисобланади.

Ички назорат тизимига нисбатан назорат таваккалчилиги (риски)ни дастлабки баҳолаш ва қўшимча назорат тестларини ишлаб чиқиш. Ички назорат тизими ўрганиб баҳолангандан кейин аудитор 3-сонли "Аудитни режалаштириш" АФМСнинг 17-бандига мувофиқ ҳисобнинг ушбу бўлимини аудитнинг умумий режасига киритиши, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудиторлик текширувининг дастурини тайёрлаши лозим. Мазкур дастурнинг намунаси 3-жадвалда келтирилган

### 3-жадвал

#### Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоб операциялари бўйича ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини

#### текширишга оид тестлар<sup>17</sup>

| Т. р.          | Савол мазмуни ёки ўрганиладиган объект                                                                  | Жавоб мазмуни (текширув натижаси)                                                            | Белги | Аудиторнинг хулосаси ва қарорлари            |
|----------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------|-------|----------------------------------------------|
| 1              | 2                                                                                                       | 3                                                                                            | 4     | 5                                            |
| А.Ички назорат |                                                                                                         |                                                                                              |       |                                              |
| 1.             | Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан барча шартномалар мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги | Барча шартномалар тўғри расмийлаштирилган ва мавжуд, лекин ҳуқуқшунос томонидан имзоланмаган | Нз    | Назорат қоникарли, сабабларини аниқлаш лозим |

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

|    |                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                   |                |                                                                                    |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------------------------------------------------------------------------------|
| 2. | Мол етказиб берувчилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича солиштирма далолатномалари тузилганлиги:<br>а) керак бўлганда;<br>б) ҳар чоракда;<br>б) йил охирида                       | Керакли бўлганда ва албатта йил охирида                                                                                           | Нз             | Назорат қониқарли                                                                  |
| 3. | Солиштирма далолатномалари тузилган мол етказиб берувчиларнинг нисбати:<br>а) 100%<br>б) 75%<br>в) 50%<br>г) % кўрсатилсин                                                         | 75%ни ташкил этади                                                                                                                | Нз             | Назорат қониқарли. Солиштирма далолатномаларини танлаб текшириш лозим              |
| 4. | Олинган товар-моддий бойликларнинг амалдаги миқдори мол етказиб берувчилар счет-фактураларида кўрсатилган миқдорлар билан фарқ қилган ҳолда далолатнома тузишда ким иштирок этади? | Далолатнома раҳбар, омборчи, мол етказиб берувчи ёки бетараф ташкилот вакили таркибида ташкил этилган комиссия томонидан тузилади | Нз             | Назорат қониқарли                                                                  |
| 5. | Мол етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни қабул қилишда ким ишончномалар олиш ҳуқуқига эга?                                                                               | Ишончномалар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тасдиқловчи буйруқ қабул қилинмаган                                       | Н <sub>2</sub> | Рўйхатда бўлмаган шахслар томонидан ишончнома олиш эҳтимоли мавжуд                 |
| 6. | Ишончнома бўйича материаллар омборга кирим қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган муддатдан кейин топшириш ҳолатлари бўлганми?                                           | Танлаб олиб назорат олиб борилади                                                                                                 | Н <sub>2</sub> | Хатолар содир этилиши эҳтимоли мавжуд                                              |
| 7. | Мол етказиб берувчиларнинг счет-фактуралари алоҳида дафтарга қайд этиладими?                                                                                                       | Йўқ, қайд этилмайди                                                                                                               | Н <sub>2</sub> | Счет-фактуралар расмийлаштирилиши ва ҚҚС ҳисобланиши танлаб олиб текширилиши лозим |
| 8. | Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш бўйича ягона ҳисоб сиёсати мавжудми?                                                                                    | Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш усули белгиланган                                                      | Нз             | Солиқлар ҳисобланишини текшириш лозим                                              |
| 9. | Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни таҳлилий ва синтетик ҳисоби мувофиқлиги текшириладими?                                                                               | Ҳар ойда текширилади                                                                                                              | Нз             | Танлаб олиб текширув ўтказиш лозим                                                 |

|                                                                                                                     |                                                                                                                                       |                                                         |                |                                                           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|----------------|-----------------------------------------------------------|
| 10.                                                                                                                 | Хўжалик операцияларини акс этиш учун счетларни (6010, 4010 - счетларни дебити ва кредити бўйича) намунавий корреспондентланиш чизмаси | Йўқ, ишлаб чиқилмаган                                   | Н <sub>2</sub> | Бухгалтерия ҳисобида хатоликларга йўл қўйиш эҳтимоли бор  |
| 11.                                                                                                                 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг чизмаси ишлаб чиқилганми?                                       | Фақат счетларнинг ишчи режаси белгиланган, чизмалар йўқ | Н <sub>2</sub> | Счетлар корреспонденциялан ишида хатоликлар бўлиши мумкин |
| 12.                                                                                                                 | Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг дастлабки, таҳлилий ва синтетик ҳисоби кўрсаткичлари қайси муддатларда солиштирилади? | Ҳар чоракда солиштирилади                               | Н <sub>2</sub> | Ҳар ойлик маълумотларда хатоликларга йўл қўйиш мумкин     |
| 13.                                                                                                                 | Бухгалтер томонидан счетларда кайд этилган нархлар шартномавий нархлар билан мувофиқлиги текшириладими?                               | Мунтазам равишда текшириб борилади                      | Н <sub>3</sub> | Назорат қониқарли                                         |
| Изоҳ: Н <sub>1</sub> -паст даражада; Н <sub>2</sub> -ўртачадан паст; Н <sub>3</sub> -ўртача; Н <sub>4</sub> -юқори. |                                                                                                                                       |                                                         |                |                                                           |

Қўшимча назорат тестларини қўллаш. Бу вазифани амалга ошириш орқали аудитор мижоз корхона ички назорат тизими амалда талаб даражасида ишлаётганига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Бу мақсадда мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан амалга оширилган бир неча операциялар танлаб олинади ва таҳлил қилинади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни текширишда аудитор, авваламбор, товар-моддий бойликлар (ТМБ) сотиб олиниши учун асос бўлган дастлабки ҳужжатлар мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини аниқлайди. Масалан, мол етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ амалга оширилганлиги текширилади. Сўнгра мол етказиб берувчилар ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарганликлари, мол етказиб берувчиларга ёки улар корхона олдида қарзи вужудга келган санаси текширилади. Субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларига атайин

риоя этмаган ҳолда амалга оширган келишувлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бундан кейин аудитор ва унинг ёрдамчилари 6-сонли журнал-ордер, 6010-сонли “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счет машинограммалари ва ҳисоб ҳужжатлари кўрсаткичлари бўйича бевосита ҳар бир мол етказиб берувчи билан (ёки танлаб олиб) амалга оширилган ҳисоб-китоб операцияларини текширадилар. Амалга оширилган операция санаси ва тавсифи, олинган ТМБ бўйича нарх-наволар тўғри қўлланилганлиги ва улар тўлиқ кирим қилинганлиги, мол етказиб берувчиларнинг счет-фактураларида ҚҚС асосли равишда кўрсатилганлиги аниқланади.

Агар ТМБ қабул қилинган бўлиб, лекин уларга тегишли ҳужжатлар бўлмаса (счет-фактурасиз мол етказиб бериш), мол етказиб берувчилардан счет-фактуралар талаб қилинганлиги аниқланади. Аудитор мавжуд бўлган талаб хатларини ўрганиб чиқиши лозим. Шунингдек, 19-сонли БХМС талабларига мувофиқ мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар инвентарланганлиги, шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга жарима даъволари йўлланилганлиги, ҳисобланган ва олинган жарима суммалари асосланганлиги, мол етказиб берувчиларнинг дебиторлик қарзлари даргумон қарзлар заҳираси ҳисобига тўғри ўтказилганлиги аниқланади. Лозим бўлса, ТМБ ва ҳисоб-китобларнинг назоратли инвентаризацияни, текширилаётган корхона ва мол етказиб берувчининг ҳужжатлари ва регистрларини муқобил солиштиришни амалга ошириш керак.

Ҳисоб регистрларида счетлар тўғри корреспонденцияланганлигини назоратдан ўтказиш керак. “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счетнинг кредити бўйича ёзувлар 0800, 1000, 1500, 1600, 4300-сонли ва бошқа счетлар гуруҳининг дебети бўйича ёзувлар билан солиштирилади. “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счетнинг дебети бўйича ёзувлар “Миллий валютадаги пул

маблағлари”, “Ҳисоб-китоб счет”, “Касса”, “Мамлакат ичидаги валюта счетлари”, “Аккредитивлар” ва бошқа счетлар бўйича кредит суммалари билан солиштирилиши лозим. Синтетик ҳисоб кўрсаткичлари таҳлилий ҳисоб кўрсаткичлари билан, оборотлар бўйича якуний кўрсаткичлар ҳамда “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счетнинг қолдиғи Бош китоб ва баланс кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Солиқлар ва йиғимларнинг барча турлари бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

ушбу ҳисоблар бўйича ички назорат тизими ҳолатини (тест ўтказиш йўли билан) баҳолаш;

кузатиб бориш, нусха кчиқариш, ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини солиштириш йўли билан солиққа тортиш базаси тўғри белгиланганлигини аниқлаш;

кузатиб бориш ва нусха кчиқариш йўли билан солиқ ва йиғимлар ставкаси тўғри қўлланилганлиги текшириш;

кузатиб бориш, меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш, текширилаётган субъект хусусиятларини ўрганиш йўли билан солиқ имтиёзлари тўғри қўлланилганлигини аниқлаш;

кузатиб бориш, дастлабки ҳужжатларни ўрганиш, арифметик ҳисоблаб чиқиш йўли билан сотиб олинган заҳиралар бўйича ҚҚС тўғри қопланганлигини текшириш;

тўлов ҳужжатлари, солиқ бўйича ҳисобларни ўрганиш йўли билан солиқ ва йиғимлар бўйича тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилганлиги, солиқларни ҳисоблаш бўйича маълумотномалар тўғри тузилганлигини аниқлаш;

солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Корхона қайси солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилаётганлигини аниқлаш керак. Солиқ идоралари ва бошқа назорат олиб борувчи идоралар томонидан ўтказилган текширув ҳужжатлари ва якунлари

билан танишиб чиқиш лозим, зеро бу олдинги даврда йўл қўйилган хатоликлар тавсифини аниқлаш ва чуқур текширув учун объектларни белгилаш имкониятини яратади.

Фойдадан (даромад) солиғи, ҚҚС, мулк солиғи, ер солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар синчковлик билан текширилади, чунки ушбу тўловларнинг бюджетга тўланадиган барча тўловлар ва йиғимлар таркибидаги нисбати каттадир, шунингдек, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган молиявий жазолар (жарима, боқимандалар) ўрганиб чиқилади. Агар корхона ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланса, экспорт-импорт операциялари тўғри солиққа тортилганлиги ҳам текширилади.

Аудитор солиқларни уларнинг манбаларига, яъни фойдага, давр харажатларига, сотувни камайтиришга тўғри ўтказилганлигини текшириши лозим.

Текширув жараёнида солиқлар ва йиғимларнинг барча турлари бўйича ҳисобот даврининг охирига айланмалар ва қолдиқ тўғри чиқарилганлиги аниқланади. Бунинг учун тўловларнинг ҳар бир тури бўйича таҳлилий ҳисоб кўрсаткичлари журнал-ордерлар ва ҳисобнинг бошқа регистрлари, Бош китоб ва баланснинг 6400, 6500-сонли счетлари гуруҳи маълумотлари билан солиштирилади.

Текширув вақтида аниқланган камчилик ва хатоликлар аудиторнинг ишчи ҳужжатларида ва аудиторлик ҳисоботида қайд этилади.

Одатдаги хатоликлар:

- солиқлар ва йиғимлар бўйича солиққа тортиладиган база нотўғри ҳисобланиши;

- солиқлар ва йиғимлар бўйича қўлланиладиган имтиёзлар нотўғри белгиланиши;

- мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларида ҚҚС кўрсатилмаган ҳолда ҳам уни солиққа тортиш базасидан камайтириш;

- бухгалтерия ҳисобини тегишли равишда юритмаслик (сотувдан тушумларни, харажатларни нотўғри акс эттириш, айрим солиқлар, жарима ва боқимандаларни харажатлар ҳисоби счетларига, фойдага ва бошқаларга нотўғри ўтказиш);

- тўлов ва йиғимларни бюджетга ўтказишда белгиланган тўлов муддатларига риоя қилмаслик.

Ижтимоий суғурта ва таъминот фондларига тўловлар ҳисобланиши ҳамда тўланишини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагилар бажарилади:

- ҳар бир фонд тури бўйича ва суғурта тури бўйича тўлов (бадал) ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлигини аниқлаш;

- тегишли фондлар бўйича суғурта бадаллари ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини текшириш;

- ҳисоб-китобларни текшириш;

- суғурта бадалларини ҳисоблаш манбаларини текшириш.

Молиялаштириш манбаидан қатъий назар барча асослар бўйича ходимлар фойдасига ҳисобланган, пул ва (ёки) натура шаклдаги тўловларнинг барча турлари ушбу фондларга суғурта бадалларини ҳисоблаш учун объект бўлиб ҳисобланади.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш учун қўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда қуйидагиларни бажариш зарур:

- ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган меҳнат ҳақи ҳамда бошқа тўловлар турларини аниқлаш;

- ҳақиқатда суғурта бадаллари ҳисобланган тўловлар турларини, тегишли ижтимоий суғурта фондига суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар рўйхатига мувофиқ улар ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги лозим бўлган тўлов турлари билан таққослаш;

тегишли фондлар бўйича суғурта бадалларининг тўлиқ тўланмаган (ёки охиқча тўланган) миқдорини аниқлаш.

Олдин ҳисобланмасдан, корхона кассасидан берилган ҳар хил тўловларни (моддий ёрдам, мукофот) махсус эътибор билан текшириш керак.

Сўнгра ҳисобланган ва тўланган суғурта бадалларининг ҳисобда тўғри акс эттирилишини аниқлаш зарур. Бунда ходимларга тўланган тўловларнинг суғурта бадалларини ҳисоблаш молиялаштириш манбаси ҳисобидан акс эттириладиганлигига эътибор қаратилади. Текширув натижалари ишчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Текширув якунида аудитор аниқланган тафовутларнинг ҳисобот кўрсаткичларига (таннарх ва молиявий натижага, ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар миқдорига), жиддийлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, қандай таъсир кўрсатишини аниқлайди.

Аудитор корхона мулки ва ходимларини суғурта қилиш, давлат ижтимоий суғуртаси, корхона ходимларининг нафақа таъминоти ва тиббий суғуртаси, мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар, шунингдек, учинчи шахслар мулкӣ манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштиришга мўлжалланган қуйидаги счётларни текшириб чиқади:

6510 “Суғурта бўйича тўловлар”;

6520 “Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар”.

6510 “Суғурта бўйича тўловлар” счёти корхонанинг мулки ва ходимини суғурталаш бўйича қарзлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

6520 “Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар” счёти мақсадли давлат жамғармалари олдидаги ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Суғурта тўловлари ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммалари суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг кредит томонида

харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Суғурта тўловлари ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммаларининг тўланиши суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) бўйича аналитик ҳисоб суғуртачилар ва алоҳида суғурта шартномалари, шунингдек корхона тўловчи деб ҳисобланган ҳар бир давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича алоҳида юритилади.

Аудитор давлатнинг мақсадли жамғармалари ва суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китобларни текшириш жараёнида меъёрий ҳукукий ҳужжатлар, уларга хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида қандай амал қилинаётганлигини текшириб чиқади, хусусан ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низом бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилаётганлигига алоҳида эътибор беради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади. Юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида алоҳида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берувчи, шунингдек, ўз мустақил баланси ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган барча турдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар тушунилади.

Корхоналар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ва фуқаролар мажбурий суғурта бадалларининг ҳисоблаб ёзилиши ижтимоий суғурталаш татбиқ этиладиган барча тоифадаги ходимларга ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (даромад) ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ва суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китобларни юритишни текширишда аудитор томонидан қуйидагиларга эътибор қаратилиши керак:

а) меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисоблаб ёзилган ягона ижтимоий тўлов суммалари харажатларни ҳисобга олиш счетлари (2000, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400) билан корреспонденцияда 6520 "Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар" счёти кредити бўйича акс эттирилади;

б) фуқароларнинг иш ҳақидан ушланган суғурта бадаллари суммалари бухгалтерия ҳисобида 6710-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” счёти билан корреспонденцияда 6520-“Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар” счётининг кредити бўйича акс эттирилади;

в) тегишли пенсиялар ва нафақаларнинг эълон қилинган суммалари бухгалтерия ҳисобида 6710-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” счёти билан корреспонденцияда 4890-“Бошқа дебиторларнинг қарзлари” счёти дебети бўйича акс эттирилади;

г) ходимларга тегишли пенсиялар ва нафақалар бўйича маблағлар суммаси тўлови пул маблағларини ҳисобга олиш счетлари билан корреспонденцияда 6710-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” счётининг дебети бўйича акс эттирилади.

Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текширишда қуйидагиларни аниқлаш лозим:

кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилиги, шартномалар мавжудлиги, харидорлар топшириқнома-мажбуриятларининг тақдим этиш муддатлари, кредитни қоплаш тартиби ва бошқалар. Кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати 4700-сонли “Ходимнинг бошқа операциялар бўйича қарзи ҳисоби счёти” счёти гуруҳи бўйича, шунингдек, 4710-сонли “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи” счёти кўрсаткичлари асосида ўрганилади. Энг муҳими, харидорларнинг муддати ўтган қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ўрганиб чиқилади ва

муддати ўтган қарзлар пайдо бўлиши сабаблари аниқланади. Уларнинг асосийларидан бири – кредит бериш қоидаларига риоя қилмаслик ҳисобланади;

ижро варақалари бўйича бошқа корхоналар ёки жисмоний шахслар фойдасига суммалар тўғри ва асосли ушлаб қолинганлиги, шунингдек, ушлаб қолинган суммалар олувчиларга ўз вақтида ўтказилганлиги;

корхона ихтиёридаги хонадонларда истиқомат қилувчилар ва ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчи шахслар билан корхона ҳисобидаги хонадонлардан фойдаланганлиги ва маиший хизмат кўрсатилганлиги учун ҳисоб-китоблар тўғри ҳисобланганлиги.

Аудиторлик текшируви вақтида хонадонларда ва ётоқхоналарда истиқомат қилувчилар билан ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини касса ҳисоботлари ва банк ҳужжатлари кўрсаткичлари билан муқобил текширувини ўтказиш қўлланилади. Маиший хизматлар бўйича тўловлар тўғри ва тўлиқ ҳисобланганлиги ва ушбу суммалар касса ёки ҳисоб-китоб ҳисобига қилинганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим, чунки, амалиётда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқи бўлмаса ҳам, ходимларга бепул хонадонлардан фойдаланиш ва маиший хизматлар кўрсатиш, шунингдек, хонадонларда ва ётоқхоналарда яшовчи шахслардан келиб тушган тўловлар тўлиқ ҳолда қилинмаслик ҳоллари учрайди;

меҳнат жамоасига берилган фоизсиз ссудалар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлиги. Ссудалар асосли равишда берилганлиги, ссудалар бериш учун ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш керак (суммадан ташқари, ссудани тўлов муддати ва қоплаш тартиби белгиланган бўлиши лозим). Ссудалар тўлиқ ва ўз вақтида қопланаётганига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Амалиётда ссудалар атайлаб ўз вақтида қопланмаслиги ва даъво муддати тугаши билан корхона харажатларига ҳисобдан чиқариш ҳолатлари учрайди;

хусусий уй-жой қурилиши учун берилган ссудалар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлиги. Аудит вақтида улар асосли равишда берилгани, миқдори,

қоплаш муддатлари ва олинган суммалар амалда қопланаётганлиги аниқланади;

болаларни мактабгача муассасаларда бўлганликлари учун ота-оналардан олинадиган тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобланганлиги ва олиниши. Аудит қилинаётган вақтнинг маълум бир саналарида ушбу муассасаларда болалар мавжудлиги тўғрисидаги ёзувларни (болалар мактабгача муассасаларида бўлишлари тўғрисида табел) улар учун тўловлар ҳисоби (болаларни болалар мактабдан олдинги муассасаларда бўлганликлари учун ота-оналар билан ҳисоб-китоб бўйича қайдномалар) ва улар корхона кассасига тушганлиги (касса дафтари) солиштириб чиқиши лозим;

дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тўғри тузилганлиги;

- 4700, 4800, 6900-сонли счетлар гуруҳи бўйича таҳлилий ҳисоб тўғри юритилаётганлиги;

ушбу счетлар бўйича таҳлилий ҳисоб ёзувлари 8-сонли журнал-ордер, Бош китоб ва Балансдаги ёзувларга мувофиқлиги (ҳисоб журнал-ордер шаклида олиб борилганда).

Аниқланган хатоликлар ва четга чиқишлар ишчи ҳужжатларда қайд этилади.

Одатда содир этиладиган хатоликлар:

маҳсулот етказиб бериш учун шартномалар, дастлабки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларининг йўқлиги;

ҳисоб тегишли равишда олиб борилмаслиги (счетларнинг нотўғри корреспонденцияланиши, таҳлилий ҳисоб ишончсизлиги, ҳисоб-китоблар бўйича инвентаризация расмийлаштирилганлиги билан ўтказилганлиги ва бошқалар);

шартномалар бўйича даъволар нотўғри расмийлаштирилганлиги ва тақдим этилганлиги.

Мажбурий тарзда ҳисоб-китобларнинг ҳар бир тури бўйича счетлар тўғри корреспонденцияланиши, улар бўйича таҳлилий ҳисоб ташкил қилинганлиги, ушбу операциялар бўйича ҚҚС асосли равишда

ҳисобланганлиги (ёки қопланганлиги) текширилиши лозим. Зарур бўлган ҳолда аудитор фикри бўйича шубҳали бўлган дебитор - корхоналар билан алоҳида ҳисоб-китоб операциялари бўйича солиштирув ўтказилади. Шунингдек, балансда кредиторлик ва дебиторлик қарзлар тўғри акс этилганлиги текширилади.

### **2.3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити натижаларини умумлаштириш**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудит қилишда аудит режасини тузиш ва бунга асосланиб аудит дастурини шакллантириб керакли далиллар тўпланади ҳамда аудит амаллари олиб борилади.

Режа, дастур ва далилларга таяниб аудит ўтказишнинг охириги босқичларидан бири мазкур текширув жараёнининг натижаларини умумлаштириш ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- \* ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- \* аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
- \* аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;
- \* фаолият кўрсатаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
- \* бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- \* текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз-корхона раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;

\* аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузишда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити натижаларидан фойдаланиш.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини текшируви текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва хўжалик юритувчи субъект мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Аудитор қуйидаги ҳоллардаги каби, катта номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

\* хўжалик юритувчи субъект ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари;

\* текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир хўжалик муомалалари;

\* мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофиқликлар;

\* инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш ведомостлари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар;

\* катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига кутилган жавоблар олинмаганлиги;

\* текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган хўжалик муомалалари.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини натижаларини умумлаштириш босқичида тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш)

ҳисобга олиши керак. Шунингдек, катта хатолар хатарини дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олинishi лозим.

Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим. Масалан, аудит ўтказиш дастурининг «Дебитор ва кредитор қарзларни текшириш» бўлими бўйича ўтказилган аудит натижаларини баҳолашда қуйидаги аудиторлик амалларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ:

Кейинги пул киримлари ва тегишли счётлар қолдиқларидан тўланган тўловларга доир дастлабки ҳужжатларни текшириш. Аудиторлар одатда бухгалтерия баланси тузилгандан кейинги то аудит ўтказилган охириг кунга қадар амалга оширилган тўловларни ҳам текширади. Бу текширув натижалари ҳисоб маълумотларининг ишончлилигини жорий мажбуриятларни балансда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан баҳолашга имкон беради. Ушбу амалларни бажариш натижасида жорий мажбуриятлар тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилганлиги тўғрисида олинган далиллар, бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тўланган қарзларга нисбатан етарли даражада деб баҳоланиши мумкин. Шундан сўнг аудитор тўлови тасдиқланган ва тасдиқланмаган қарзлар суммаларининг катта - кичиклигини баҳолайди; счётларни бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тайёрланган моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари билан, ҳисоб маълумотлари бўйича қолдиқлар билан солиштириш. Бухгалтерия ҳисоботи тузилган кундан олдин олинган барча счётлар (етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун) жорий даврдаги ҳисобда ва шу давр учун тузилган

ҳисоботда акс эттирилиши керак. Шунинг учун бухгалтерия баланси тузилган санадан сўнг тайёрланган материаллар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва счётлардаги саналар, мулклар ва мажбуриятларнинг балансида тўғри акс эттирилганлигини текшириш мақсадида таққосланиши мақсадга мувофиқ.

Мавжуд қолдиқларни счёт-фактуралар маълумотлари, моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари ва тўлов ҳужжатлари билан солиштириш. Агар дебитор ва кредитор қарзларнинг миқдори ҳўжалик юритувчи субъект молиявий аҳволи учун сезиларли даражада бўлса, аудиторлар ҳисобга олишнинг тўғрилиги ва аниқлигини текшириши, шунингдек, ҳисоб маълумотлари бўйича мажбуриятларнинг ошириб кўрсатилмаганлигини аниқлашлари лозим. Бу ҳолда дастлабки ҳужжатлар маълумотлари аналитик ҳисоб регистрлари (журналлар, оборот ёки сальдо ведомостлари) да акс эттирилган ахборотлар билан, олдин энг катта қолдиқлиларидан бошлаб (чунки улар бўйича ошириб кўрсатиш эҳтимоли кўпроқ) солиштирилади. Олинган маълумотлар бўйича ҳисоб ёзувларида (масалан, битта счётни ҳисоб регистрида икки марта акс эттириш ва шунга ўхшаш) мажбуриятлар (дебитор ва кредитор қарзлар) ошириб кўрсатилиш ҳолатларининг катта-кичиклигини баҳолаш зарур.

Мол етказиб берувчилар ва бошқа контрагентлар билан ҳисоб-китобларни тасдиқлаш. Аудит ўтказиш чоғида бундай тасдиқни олиш мажбурий эмас. Лекин, ушбу амал кўпчилик ҳолларда катта наф келтириши мумкин. Масалан, мол етказиб берувчилардан олинган жавоблар қуйидагиларни тасдиқлаш учун ишлатилиши мумкин:

- \* мол етказиб берувчилар бўйича дебитор қарзлар уларнинг асосли даъвоси ҳисобланади;
- \* бухгалтерия ҳисоби маълумотлари мол етказиб берувчиларга барча мавжуд қарзларни ўзида акс эттиради;
- \* сотиб олинган моддий ресурслар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар тегишли ҳисобот даврида акс эттирилган. Бунда аудит

ўтказиш чоғида контрагентлардан тасдиғини олиш зарурлиги тўғрисида гувоҳлик берадиган омилларни белгилаб қўйиш керак: харидларни ички назорат қилиш тузулмасининг бўшлиғи; молиявий муаммолар; товар-моддий бойликлар бўйича қолдиқлар чиқаришда ёки қарздорларни текширишда йўл қўйилган хатолар тўғрисидаги фактлар; бир неча мол етказиб берувчилардан қилинган катта харидлар; харидлар тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия балансини тузиш санасига тайёрланмаган. Тасдиқлаш ишларининг натижаларини умумлаштириб, энг аввало, уларнинг ишончлилигини баҳолаш зарур. Бунда қарзларнинг ёзма ва оғзаки шаклда тасдиқланган миқдори ва аҳамиятлилиги баҳоланади.<sup>18</sup>

Ёзма шаклда олинган далил-исботларни энг ишончли деб тан олиш қабул қилинган. Ёзма тасдиқларнинг ишончлилиги уларнинг тўғри расмийлаштирилишига боғлиқ. Тасдиқлар ишончлилигининг таҳлилидан келиб чиқиб, тасдиқланган ва тасдиқланмаган суммаларнинг катта-кичиклиги, шунингдек мажбуриятларнинг ишончлилиги тўғрисида аудитор фикрини шакллантириш учун олинган далиллар етарлилиги баҳоланади;

Дебитор ва кредитор қарзлар аналитик ҳисоби маълумотларининг тенглигини текшириш. Дастлабки ҳужжатларни текшириб чиқиш ёки дебитор ва кредитор қарзлар тасдиғини олиш муносабати билан аудиторлар ҳисоб-китобларни ҳисобга оладиган аналитик ҳисоб регистрларини текшириб чиқиши, ҳамда уларни Бош дафтар маълумотлари билан таққослаши лозим. Ҳисоб-китоб муомалалари ҳисобга олинадиган счётларни таҳлил қилишда қуйидагилар аниқланиши мумкин:

- \* мол етказиб берувчилар счётлари бўйича дебет қолдиқлар;
- \* мансабдор шахслар, директорлар, раислар, шўъба ва тобе корхоналарга ва бошқа ўзаро боғлиқ томонлардан қарзлар суммалари;
- \* мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларга доир ҳаддан ташқари катта тузатишлар;

---

<sup>18</sup> Тўлахўжаева М.М., . Жўраев Т.И. ва. Гулямова Ф.Г. АУДИТ Т-2004

\* даъво муддати ўтиб кетган ёки ўтаётган тўланмай қолган счёт-фактуралар.

Барча белги қўйилган суммалар якуний ишчи хужжатларини тайёрлашда таҳлил қилиниши ва ҳисобга олиниши лозим. Ушбу ишларнинг натижаларини бошқа олинган далиллар билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Масалан, даъво муддати ўтиб кетаётган тўланмай қолган счётлар ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебет қолдиқларнинг аниқланган суммаларига маълумотлар мувофиқлиги тўғрисида тасдиқ олиниши мумкин. Бу ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларининг ишончлилиги ҳақида етарли далилларга эга бўлади.

Агарда олинган тасдиқлар натижаларига кўра контрагентда бундай қарздорликнинг йўқлиги аниқланса, у ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларини ишончсиз деб баҳолаши мумкин.

Аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларини Бош дафтар билан таққослаш мижоз томонидан вақти-вақти билан ўтказиладиган назорат тадбири бўлиб ҳисобланади. Қоидага кўра, аудиторлар қилинган таққослашларни, аниқланган ғайриоддий суммаларни таҳлил қилади, жами суммаларни қайта жамлаб чиқади.

Аудитнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумлаштирилган ва баҳоланган текширув натижаларини камида иккита хужжат билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Аудит ҳақидаги шартномада кўзда тутилган давр ичидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

2. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси.

№70 -«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли АФМСга мувофиқ аудиторлик ҳисоботининг таркиби қуйидагича:

а) номи («Аудиторлик ҳисобот» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» деган ҳар иккала ном бир хил маънога эга);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таҳлил қисми;

д) якуний қисм

**Аудиторлик хулосаси** бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб, аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадилар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан қўлга киритилади ва оқланади.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, **аудиторлик хулосаси** молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Аудиторлик хулосаси учта: кириш, таъкидловчи ва якунловчи қисмдан иборат бўлиши лозим.

Сўзимизни мухтасар қилиб айтганда аудитор, дбиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитнинг натажаларини умумлаштириш орқали корхонадаги қарз муносабанлари ҳолатига ва корхонанинг тўловга қобиллик даражаси борасида тушунчага эга бўлиб, ўзининг ҳисоботи ҳамда хулосасида булардан фойдаланади.

## **II боб бўйича хулоса**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик текширувларининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида аудиторнинг мустақил билдирилган фикридан иборат. Бунинг учун аудитор ҳисоботнинг ишончилиги ёки унинг ишончилигини рад этиш тўғрисидаги асосли фикр билдиришга имкон берадиган далилларни тўплаши зарур. Аудит жараёнида олинган далилларнинг ишончилиги мустақиллик ва манба компетентлиги, ички назорат тизимининг самарадорлиги каби омилларга боғлиқ. Аудиторнинг ўзи мустақил манбалардан олган далилларнинг ишончилиги даражаси хўжалик юритувчи субъектдан олинган далилларга қараган-да юқорироқ. Барча далиллар йиғиндисини фақат сўнгилари етарли бўлганидагина ишончли деб ҳисоблаш мумкин.

### **III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш**

Мазкур мавзу ҳам анчагина долзарб масалалар сирасига киради, нама учун деганда бегунги кунда аудит амалларининг такомиллашуви, аудиторлаик фирмалари олдиға қўйилган талабларнинг кўпайиши каби сабаблар республикамызда аудиторлик фаолитини ривожлантириш, уни жаҳон талабларига москеладиган формаға киритиш борасидаги ҳатта-ҳаракатлардир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда аудитнинг халқаро стандартларини ўзимизнинг иқтисодий, маънавий қарашларимиздан келиб чиқиб миллий стандартларни яратиш борасида анчагина ишларнинг амалға оширилди.

Иқтисодий тарақиётимизнинг бош меъзони сифатида қаралаётган хорижий инвесторларни жалп қилиш, мамлакатда модернизациялаш ва янги техника, технологияларни тадбиқ қилиш шароитида миллий ҳисобтизимимизда ҳам бир талай ўзгаришларнинг бўлиши аниқ ҳолатдир. Гапшундаки, кўплаб қўшма корхоналарнинг ташкил топиши ва замонавий ахборот техника-технологияларининг амалиётда кириб келишини жадаллашуви, бухгалтерия ва аудит соҳалирига оид компютер праграммаларини кўплаб турларини кирибкелиш аудитнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартлар шакллантирувига эҳтиёжни пайдо қилмоқда.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини такомиллаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятға эға деб ҳисоблайман. Шунинг учун дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ривожлантиришда халқаро стандартлардан фойдаланиш керак. Қуйида аудитнинг халқаро стандартларидан бирини, яъни “Аудитнинг

далиллар-аниқ белгиланган моддаларига тегишли қўшимча масалалар “ деб номланган 501-стандартни култириб ўтсак.

Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг муайян аниқ белгиланган суммалар юзасидан 500-АХС “Аудиторлик далил”ни тўплаш бўйича стандартларини белгилаш ва қўланма тақдим этишдан иборат.

Ушбу АХСда баён этилган стандартлар ва қўлқнмадан фойдаланиш аудиторга молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг аниқ белгиланган суммалари юзасидан аудиторлик далиллар олишга ёрдамберади.

Бу АХС қуйидаги қисмлардан иборат:

А қисм. Товар моддий захираларини инвентарлашда ҳозир бўлиш

Б қисм. Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш

С қисм. Суд ишлари ва даъволарга тегишли сўровнома

Г қисм. Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш

Д қисм. Сегмент бўйича маълумот

Мазкур стандартларни таркибидаги 3 бандининг Б қисмидаги “Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш” га тўхталиб ўтсак.

Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлашда агарда молиявий ҳисобот учун бу қарзларнинг қолдиғи умумий бўлса, ва агар дебитордан жавоб олишга умид қилишга асос бўлса, аудитор одатда дебиторлик қарзи қолдиғининг бевосита тасдиғи олининини ёки ҳисобварақ қолдиғи юзасидан алоҳида бухгалтерия ёзувларини режалаштириши лозим.

Дебиторлик қарзи қолдиғининг бевосита тасдиғи дебиторлар мавжуд эканлиги ва ҳисобварақлар қолдиғи аниқ акс этилганлиги ҳолатларига ишонли аудиторлик далилларини тақдим этади. Шунга қарамасдан, у, одатда қарз қопланиши эҳтимоли ёки дебиторлик қарзи акс этилмаган қолдиқ мавжудлига далил бўлиб қила олмайди.<sup>19</sup>

---

<sup>19</sup> Аудит халқаро стандарти (АХС) 500-АХС “Аудиторлик далил” 2000йил

Агар дебиторлар аудитор сўровномасига жавоб бермаслигига асос бўлса, аудитор муқобил муолажаларни амалга оширишни режалаштириши лозим. Бундай муқобил муолажалар мисоли тариқасида аниқ белгиланган ҳисобварақлари қолдиғи ёки давр охирига алоҳида бухгалтерия ёзувларига тааллуқли пул маблағларининг келгуси келиб тушишини текширишни келтириш мумкин.

Тасдиқлаш учун ҳисоб варақларни танлаб олиш аудиторга, аниқланган аудиторлик таваккалчиликлари ва бошқа режалаштирилган муолажаларни ҳисобга олган ҳолда, жами дебиторлик қарз мавжудлиги ва аниқ акс этганлиги юзасидан тегишли хулоса чиқариш учун амалга оширилади.

Тасдиқлаш юзасидан хат-сўровномалар аудитор томонидан йўлланади ва дебиторлар томонидан жавобларни бевосита аудиор номига йўллаш талаб этилади. Бундай хатлар дебитор керакли бўлган маълумотни аудиторга ёритишга субъект раҳбариятининг рухсатига эга бўлади.

Агар дебитордан ҳисобда акс этилган ҳисобварақ қолдиғи юзасидан розилигии тасдиқлаш бўйича сўровнома ижобий шаклда тузилиши мумкин, мабодо ҳисобда акс этилган ҳисобварақлар қолдиғи юзасидан фақатнорзи бўлган жавоб талаб қилинганда – салбий тайёрланади.

Ижобий тасдиқлар салбийларга қараганда ишончлироқ аудиторлик далиллар билан таъминлайди. Ижобий ва салбий шакллардан бири танлаб олиш вазитларга, жумладан ажралмас таваккалчиликка берилган баҳо билан бир қаторда, назорат таваккалчиликга ёки назорат таваккалчилиги юқори баҳоланган тақтирда, ижобий шакл афзалроқ ҳисобланади, чунки салбий дебитордан жавоб олинмаслиги мумкин.<sup>20</sup>

Тасдиқларнинг ижобий ва салбий шакллари қурама бўлиши мумкин. Масалан, дебиторлик қарзининг якуни қолдиғи катта қолдиққа энг кам миқдоридаги ҳисобварақларни кўп миқдоридан таркиб топган бўлса, аудитор барча қолдиқларнинг тасдиғи ўринли ёки ижобий тасдиқ тўғрисидаги

---

<sup>20</sup> Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) 501-стандарт. 92 бет.

сўровнома билан катта қолдиқларни танлаб олиш ва салбий тасдиқ тўғрисидаги сўровномадан фойдаланган ҳолда ҳисобварқларнинг кичик қолдиқларининг танлаб олиш ўринли экалиги тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин.

Тасдиқнинг ижобий шаклидан фойдаланилганда аудитор, одатда, оқилона вақт мобайнида жавоб олинмаган дебиторларга хат-эслатма йўллайди. Жавоблар тўлиқ тадқиқот ўтказилиши лозим бўлган истисноларга эга бўлиши мумкин.

Агар ижобий шаклдаги тасдиқ олинмаса, муқобил муолажалар қўлланиши ёки модда хато сифатида ҳисобига олиниши лозим. Бундай муқобил муолажа мисоли тариқасида пул маблағларининг келгуси келиб тушишини текшириш ёки сотиш ва юклаб жўнатиш бўйича ҳужжатларни текширишни келтириш мумкин. Жавоб олинмаган ва муқобил муолажалар бажарилмаган моддалар, аудиторлик танлаб олиш билан таъминланган аудиторлик далилларга баҳо бериш мақсадида хато деб ҳисобга олинади.

Амалий мулоҳазадан келиб чиқиб, назорат таваккалчилиги юқоридан пастроқ бағоланганда, аудитор дебиторлик қарзлар ҳисобварақларнинг қолдиғини давр якуланмаган сана ҳисобланмаган сана ҳолатига, тасдиқлаш тўғрисида қарор қабулқилиши мумкин, масалан агар аудит баланс топширилган санадан кейин қисқа вақт муддатида якунланадиганда. Бундай ҳолатларда, агар лозим бўлса, аудитор оралиқ операциялари бўйича шарҳларни амалга оширди.

Агар субъект раҳбарияти аудитордан муайян дебиторлик қарзи ҳисобварақлар қолдиғи бўйича тасдиқларни бажармаслик тўғрисида илтимос қилса, аудитор бундай илтимос учун жиддий сабаблар мавжудлигини кўрибчиқиши лозим. Масалан ,агар муайян ҳисобварақ бўйича дебитор билан келишмовчиликлар мавжудбўлса, аудиортомонидан ҳар қандай субъект ва дебитор ўртасидаги қалтис мунозараларни янада ҳам оғирлаштириши мумкин. Рад жавобини асослангандек қабул қилишдан олдин аудитор

субъект раҳбариятининг тушинтиришларни тасдиқловчи ҳар қандай мавжуд далилларини текшириб чиқиши лозим. Бундай ҳолатларда аудитор тасдиқлаб бўлмайдиган дебиторлик қарзси ҳисобварақлар қолдиғи юзасидан мутаносиб муолажаларни қўллаши лозим.<sup>21</sup>

Аудитнинг ушбу халқаро стандартларида кўрсатиб ўтилган стандартлар халқаро миқёсда қўлланиши учун ишлаб чиқилган, бу қоидаларни тўғридан иқтисодиётга қўллаб бўлмайди, чунки ҳар бир давлатнинг ўзига хос иқтисодий шароити, қонунлари борки халқаро стандартларни ўзига мослаб олишни тақозо қилади. Ўзбекистонда ҳам чиқарилган қонунлар энг аввало қонустициямизга ва бирқанча кодекслар ҳамда қўллаб меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келадиган қисмини иқтисодиётимизга тадбиқ этишимиз мумкин.

### **3.2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик далил тўплаш амалларини қўллашни такомиллаштириш**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида аудиторлик далилларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 50 – «Аудиторлик далиллари» номли АФМСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Ушбу жараёни такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман, ва ҳоланки аудит текширувининг самарали кечиши далилларга боғлиқ бўлади. Шунингдек қарз муносабатлари аудитининг аҳамияти жуда ошиб бормоқда, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги техника, технологияларни ҳамда қўллаб дастурларни қўлланилиши замирида янгича фикирлаш ва янгича ёндошиш асносида ишлашни тақозо қилади. Бунда асосан аудитни халқаро стандартларидан фойдаланиш энг самарали

---

<sup>21</sup> Аудит халқаро стандарти (АХС) 500-АХС “Аудиторлик далил” 2000йил

йўллардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда АХСнинг 500-стандарти “Аудиторлик далил”га қисқача тўхталиб ўтсак.

Ушбу Аудит халқаро стандартининг мақсади молиявий ҳисоботни аудит қилиш пайтида олинadиган аудиторлик далилларнинг миқдори ва сифати ҳамда аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажарилган муолажалар юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

Аудиторлик далиллар назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларнинг тегишли мажмуининг ўтказилиши натижасида олинади. Айрим вазифаларда далиллар моҳияти бўйича муолажалар асосида тўлиқ олинishi мумкин.

“Аудиторлик далиллар” - бу аудиторлик хулосаси асосланган ва аудитор томонидан хулосани шакллантириш жараёнида олинadиган маълумот. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувлари ҳамда бошқа манбалардан олинadиган тасдиқловчи маълумотларда иборат бўлади.

“Назорат тестлари”- бу бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан бажарилаётган вазифалар яроқли эканлигига аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган тест синовлари.

АХС 500-стандартини етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар бандида айтилишича Етарлилик ва мувофиқлик тушунчалари ўзаро боғлиқ ва назорат тестлари билан бир қаторда, моҳияти бўйича муолажалар натижасида олинган аудиторлик далиллар юзасидан қўлланилади. Етарлилик аудиторлик далилларнинг миқдорий ўлчамини ифодалайди; тегишлилик аудиторлик далилларнинг сифат ўлчами, аниқ белгиланган тасдиқ юзасидан релевантлиги ва улар ишончлиги ҳисобланади. Одатда, аудитор яқуний эмас, кўпроқ ишонтирувчан бўлган аудиторлик далилларга таяниш лозим деб ҳисоблайди ва бир хил фикирни тасдиқлаш учун турли тавсифга эга бўлган ёки турли манбалардан аудиторлик далилларни тўплайди.

Аудитор хулосасини шакиллантиришда аудитор, одатда, мавжуд бўлган барча маълумотни текширмайди, чунки ҳисобварақлар қолдиғи, операциялар туркуми ёки назорат юзасидан хулосалар касбий мулоҳаза ёки статистик танлаб олиш асосида шакллантириш мумкин.

Аудиторлик далилларни ишончлиги уларнинг манбаи ҳамда уларнинг тавсифига боғлиқ. Агар аудиторлик далилларнинг ишончлиги алоҳида вазиятлардан келиб чиқса, қуйдаги умумий қоидалар аудиторлик далилларнинг ишончлигига баҳо беришга ёрдам беради:

- ташқи манбалардан олинган аудиторлик далиллар (масалан, учинчи томондан олинган тасдиқ ) ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади;
- амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг самарадорлигида ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади;
- бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар субъектдан олинган далилларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади;
- ҳужжат шаклида ва ёзма тақдимотлар кўринишида олинган аудиторлик далиллар оғзаки далилларга қараганда ишончлироқ.

Агар далиллар алоҳида элементларлари турли манбалардан олинса ёки турли тавсифга эга бўлиб изчил бўлса, аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади.

Аудиторлик далилларни олиш мақсадида қуйдаги муолажалар бажарилади:

Текшириш, кузатиш, сўровнома ўтказиш ва тасдиқлаш, ҳисоб-китоб ва таҳлилий муолажалар. Ушбу муолажаларни бажариш муддати қисман олинниши лозим бўлган аудиторлик далилларнинг олиш учун вақт муддати қулайлигига боғлиқ.<sup>22</sup>

---

<sup>22</sup> Аудитнинг халқаро стандарти 500-стандарт “ Аудиторлик далил-аниқ белгиланган моддаларга тегишли қўшимча масалалар.”

Биз юқорида АХСларини бирқанча бандларини кўриб чиқдик шу ўринда ўзимизнинг миллий стандарга бир назар солиб ўтсак.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида далилларини тўплашда ҳар хил усуллардан фойдаланади. №50-«Аудиторлик далиллар» номли АФМСда келтирилган асосий усулларнинг қуйдагилар: мижоз-корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); инвентаризация; айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; тасдиқлаш; хўжалик юритувчи субъект ва мустақил (учинчи) томонлар ходимларини оғзаки сўровдан ўтказиш; ҳужжатларни текшириш; кўриб чиқиш; таҳлилий амаллар; муқобил баланс тузиш каби усуллардир.

Кўриниб турибдики ҳозирда амал қилиб турган миллий стандартимиз негизида халқаро стандарлар қоидалари ётибди, бундан кўринадики иқтисодиётимиздаги жадал ривожланиш жараёнида, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни яққол кўришимиз мумкин.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитида далилларини тўплашни такомиллаштириб боришни зарурлиги шундаки мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги техника, технологияларни шунингдек компьютер дастурларини янгиланиб бораётганлиги электрон имзо каби прогрессив ўзгаришларни амалга оширилаётганлиги аудит жараёнини ҳам шунга мослаб олиб боришни талаб қилади.

### **III боб бўйича хулоса**

Иқтисодий тарақиётимизнинг бош меъзони сифатида қаралаётган хорижий инвесторларни жалб қилиш, мамлакатда модернизациялаш ва янги техника, технологияларни тадбиқ қилиш шароитида миллий ҳисобтизимимизда ҳам бир талай ўзгаришларнинг бўлиши аниқ ҳолатдир. Гапшундаки, кўплаб қўшма корхоналарнинг ташкил топиши ва замонавий ахборот техника-технологияларининг амалиётда кириб келишини жадаллашуви, бухгалтерия ва аудит соҳалирига оид компьютер праграммаларини кўплаб турларини кирибкелиш аудитнинг халқаро

стандартлари асосида миллий стандартлар шакллантирувига эҳтиёжни пайдо қилмоқда.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини такомиллаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамията эга деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ривожлантиришда халқаро стандартлардан фойдаланиш керак.

## Хулоса

Магистрлик диссертация ишида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг юритилиш тартибини чуқур ёритиб ўтдик. Олиб борилган изланишларимиз натижасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш орқали улар ҳажмининг ортиб боришининг олдини олиш борасида қуйидаги амалий чора-тадбирлардан фойдаланиш мумкин:

- харидор ва буюртмачилар билан муддати узайтирилган ҳамда муддати ўтган ҳисоб-китоблар устидан назоратни изчил тарзда олиб бориш;

- бир ёки бир нечта йирик харидорлар томонидан маҳсулот ва хизматлар ҳақининг тўланмай қолиши рискин пасайтириш мақсадида кўп сонли харидорлар билан ишлашга интилиш;

- пул маблағлари ҳаракати (пул маблағларининг кими ва чиқи-ми)ни синхронлаштириш, яъни дебиторлик қарзларининг тўланиши ва кредиторлик қарзининг сўндирилиши даврини максимал даражада бир-бирига яқинлаштириш. Бу ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар қолдиғини камайтириш ва банк кредитларини қисқартиришга олиб келади;

- замонавий ҳисоб-китоб усулларини қўллаш орқали йўлдаги пул маблағлари ҳажмини қисқартириш;

- дебиторлик қарзларини ихтисослашган факторинг компанияларига ёки корхона харидорларидан қарзларни қайтариб олиш билан шуғулланувчи банкларга сотиш;

- селективлик – яъни маълум товарлар гуруҳи ва турлари кредитга сотилмай балки фақатгина ўз вақтида пул ўтказиш йўли билан сотиладиган оралиқларни аниқлаш. Бундай вазият маълум товарларга бўлган талабнинг жуда ҳам ортиб кетадиган даврларда вужудга келади.

2. Дебиторлик қарзларини камайтириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида

белгиланган мажбуриятларни бекор қилишнинг турли йўлларида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Улар қуйидагилардир:

- воз кечиш ҳақи – трафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол –мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин;

- ҳисобга ўтказилиши билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши – муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади;

- талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдирда қарздор ўзининг дастлабки кредиторга муқобил талабини янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга ҳақли;

- қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши;

3. Дебиторлик қарзлари бу корхона фаолияти учун зарур бўлган воқелик ҳисобланади. Дебиторлик қарзларисиз корхона фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо, бошқа томондан мана шу дебиторлик қарзлари суммасининг меъёридан ошиб кетиши корхона фаолияти учун катта хавф туғдиради. Айниқса, муддати ўтган қарзлар ҳажмининг ортиб кетиши мамлакат иқтисодий барқарорлигига путур етказувчи омил эканлиги янада хавфлидир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда дебиторлик қарзлари суммасини камайтириш борасида кўплаб амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Фикримизча, бугунги кунда дебиторлик қарзларини бошқаришнинг энг оптимал йўли бу уларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришишдир.

4. Диссертацияда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг намунавий дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида текширувни ташкил қилиш ва ўтказиш дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитининг сифатини оширишга хизмат қилади.

5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини такомиллаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга

деб ҳисоблайман. Шунинг учун дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини ривожлантиришда халқаро стандартлардан фойдаланиш керак. Диссертациянинг 3.1-параграфида келтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити бўйича далил тўплаш тартибини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ишончли аудиторлик хулосасини шакллантириш имконини беради.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

### **I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни, 2000 йил, 77-II-сон
6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 26 сентябр.

### **I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ–615-сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–907-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-1529-сон Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош махсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

### **I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкани зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли Қарори;

### **I.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.**

15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.
18. «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361).

## **II. Президент И.А. Каримов асарлари**

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.
21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
22. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т. Ўзбекистон. 2011.
23. Каримов И. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2012.
24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
25. Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.

### III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

26. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 447 с
27. Белоцерковский В.И. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебное пособие. - М.: "Экономика", 2005. - 294 стр.
28. Бочкарева И.И. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. –М.: Проспект, 2006. 776 стр.
29. Булыга Р.П. Аудит: учебник для бакалавров. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 431 с.
30. [Воронина Л. И.](#) Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: [Омега-Л](#), 2011. 680 стр.
31. Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 стр.
32. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности. Учебник. –М.: Дело и Сервис, 2005. 366 стр.
33. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.
34. Емельянов А.М. Общий аудит. -М.: Финансы и статистика, 1997.
35. [Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А.](#) Аудит – М.: [Юрайт](#), 2012. 640 стр
36. Жарыгласова Б.Т. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 400 стр.
37. Завалишина И. А. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004. – 439-б.
38. [Карагод В. С.](#) Аудит. Теория и практика. –М.: Юрайт, 2012. 672 стр.
39. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2004. 592 б.
40. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. - 240 стр.

41. Макальская М.Л. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Высшее образование, 2005. 443 стр.
42. Подольский В. И., Савин А.А. Аудит –М.: Юрайт, 2012. 592 стр.
43. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – 3-е изд. – М.: Юрайт, 2011. – 605 с.
44. Рогуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 стр.
45. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 стр.
46. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 стр.
47. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 стр.
48. Суйц В.П, Ситникова В.А. Аудит: учебное пособие. - 2-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 168 с.
49. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.
50. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Практический аудит. –М.: Инфра-М, 2012. 192 стр.
51. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в зарубежных странах. Учебник. –М.: Проспект, 2005. 664 стр.
52. Сотникова Л.В. Оценка состояния внутреннего аудита: Практическое пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 144 стр.
53. Суйц В.П. Аудит: Общий, банковский, страховой. Учебник для вузов. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 662 стр.
54. Харченко О.Н., Самусенко С.А., Фёрова И.С. Аудит: практикум. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.
55. Хоханова И. И., Хахонова Н. Н., Богатая И. Н. Аудит – М.: Мини Тайп, 2011. 464 стр.
56. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.

57. Юдина А.В. Основы аудита: учебное пособие. – М.:Кнорус, 2011. – 352 с.
58. Шешукова Т.Г. Аудит: теория и практика применения международных стандартов. Учебное пособие. - М.:»Финансы и статистика», 2005.
59. Курбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография “Фан ва технология” нашриёти, -Т.: 2008. 102-б.
60. Ҳамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005.

#### **IV. Авторефератлар**

61. Исроилов Б.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 40 б.
62. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2009. – 34 б.
63. Тураев А.К. Ўзбекистонда ички аудитни такомиллаштириш йўналишлари: Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2012. – 22 б.
64. Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 36 б.
65. Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 33 б.

#### **V. Хорижий илмий адабиётлар**

66. Bernstein. Financial Statement Analysis: Theory, Application, and Interpretation, fifth edition 2007, 325p.
67. Roger H. Hermanson James Don Edwards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 2005. 369p.
68. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 2008. 524p.

## VI. Интернет сайтлари

- 69. <http://www.audit.uz>.
- 70. <http://www.gov.uz>.
- 71. <http://www.lex.uz>.
- 72. <http://www.mf.uz>.
- 73. <http://www.uza.uz>.

## VII. Илмий мақола ва конференция тезислари

- 74. Джуманов Д. Валюта сиёсатини либераллаштириш// Молия. – Тошкент, 2014. – №1. 45-49 бетлар.
- 75. Илхамов Ш. Ички назорат тизими – аудиторлик текшируви жараёнининг асосий элементи // Молия. – Тошкент, 2010. – №1. 90-92 бетлар.
- 76. Қўзиев И. Акциядорлик жамиятларида аудитни режалаштиришнинг сифатини ошириш// Молия. – Тошкент, 2010. – №2. 81-84 бетлар.
- 77. Каримов А.А. Учет и аудит в системе корпоративного управления // Экономика и финансы. – Москва, 2008. – №5. – С. 63-65.
- 78. Матрузиев А. Валюта муносабатларини тартибга солиш масалалари// Молия. – Тошкент, 2013. – №5. 61-64 бетлар.